

И. МИРЗАЕВ

# *Дарс таҳлили*

*Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги  
нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ — «УЎҚИТУВЧИ» — 1985

ТАҚРИЗЧИЛАР: Т. БЕКБОСИНОВ, Қ. ЎБАЙДУЛЛАЕВ

МАХСУС РЕДАКТОР: ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,  
ПРОФЕССОР А. ЗУННУНОВ

## Биринчи бўлим

### ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ

Ҳар бир фанни ўқитиш тарихи бўлгани каби уни ўрганишга бағишланган дарсларни таҳлил қилишнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Дарсни таҳлил қилиш ҳам партиявий, синфий характерга эга бўлиб, у мактаб маориф ривожини билан бирга камол топиб боради.

Маълумки, ўтмишда яшаб, ижод этган илғор маърифатпарварлар чех педагоги Ян Амос Коменский, рус педагогларидан В. П. Вахтеров, К. Д. Ушинский, А. С. Макаренко, Н. К. Крупская, ўзбек педагогларидан Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний ва бошқалар мактабда фанларни ўқитишгина эмас, балки уни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни баён этганлар. 30, 40, 50, айниқса 60-йиллардан кейинги даврда умумий ўрта мактаб, махсус ва ҳунар-техника билим юртларида коммунистик партия ва совет давлати томонидан тасдиқланган ўқув планларида кўрсатилган фанларнинг ўқитилишини, дарс машғулотларини бу ўқув юртларининг ўқитувчилари билан биргаликда район, шаҳар, область маориф бўлимлари ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, шаҳар ва область ҳамда республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, Ўзбекистон педагогика фанлари институти методистлари, шунингдек педагоглар оиласи аъзолари ҳам ўрганиб, таҳлил қилмоқдалар. Улар дарсларни таҳлил қилиш билан чегараланмай, ўқитувчиларнинг дарсларни ташкил этиш, дарс самарадорлигини ошириш, ҳар бир фанни ўқитиш методларини эгаллаб олишларига ҳам ёрдам бермоқдалар. Бинобарин, улар дарсни ташкил этиш методларига, тажрибаларнинг такомиллашиб боришига ҳам таъсир кўрсатмоқдалар.

Масалан, кекса большевик В. Суворов «Правда Востока» газетаси орқали халқ маорифи ходимларига мурожаат этиб, ҳар бир янги ўқув йилини мактабларда биринчи дарсни В. И. Ленинга бағишлаб бошлашни так-

<sup>1</sup> «Правда Востока» газетаси, 1968 йил, 21 август.

лиф этди. Ўрта ва олий ўқув юртлирининг ўқитувчилари бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳам бу ташаббусни маъқуллади. Натижада умумтаълим мактабларининг I X синфларида ҳар бир янги ўқув йилини В. И. Ленинга бағишлаб ўтиш одат тусига кирди. Натижада Т. Н. Қори Ишқобил номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан «В. И. Ленин дарслари тематикаси» ишлаб чиқилди, ўқитувчилар эса улуғ доҳийга бағишланган дарс темаларини ўтиш метод ва усулларини эгалладилар.

Дарсни таҳлил қилиш усулининг ривожиди, ўқитувчилар оммасининг дарсни таҳлил қилиш малакасини эгаллаб олишларида жойларда ташкил этилган «Илғор тажриба мактаблари», «Таянч намуна мактаблари», мактаб ва мактаблараро метод бирлашмалари, тажрибали ўқитувчиларининг актуал мавзулардаги очиқ дарсларининг уюштирилиши ва кейин бу дарсларнинг муҳокама қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, умумий ўрта мактабларда, педагогик махсус ўрта ва олий ўқув юртлирида методистлар, ўқитувчи-методистлар у ёки бу фаннинг ўқитилишига доир метод ва усулларни тушунтириш жараёнида ўқитувчиларга дарсни ташкил этиш йўлларини ҳам ўргатадилар, айрим темаларга хос дарс мазмунини тушунтирадилар, ўтилган дарснинг қайси томонларига кўпроқ аҳамият бериш кераклигини уқтирадилар, тажрибали ўқитувчилар дарсини кузатишни ва айрим дарсларни телевидение, кино орқали кўришни тавсия этадилар ва уюштирадилар. Ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида эса ўқитувчилар кузатилган дарс юзасидан студентлар коллективининг мунозарасини ташкил этадилар, студентларга дарснинг боришини коллектив бўлиб таҳлил этишнинг зарурияти ва аҳамиятини баён этадилар. Натижада ҳар бир студент ўз ўртоғининг дарсини кузатиш ва уни таҳлил қилиш малакасини эгаллайди, унда ўқитувчилик касбини эгаллашга интилиши ва иштиқ, севини туйғуси ўсиб боради.

Табиийки, дарсни таҳлил этувчи ўқитувчи-методистнинг кузатаётган фанини яхши биллини, билим даражаси ва таҳлил этиш малакасига эга бўлиши таҳлилнинг мазмунли, методик жиҳатдан тўғри, сифатли бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тажрибали, ўз фанини пухта эгаллаган ҳар бир ўқитувчи-методист дарсни самарали таҳлил этади. Бизга шу нарса маълумки, ўқитувчи-

ларнинг билим даражаси, тажрибаси турлича бўлади. Масалан, ўқув предметини программа ҳажмида билган, уни атрофлича чуқур ўзлаштирган, мактабга янги келган, тажрибаси бўлмаган ёш ўқитувчилар бор.

Ўқув предметини программа ҳажмидагина билган ўқитувчилар фақат ўзлари дарс бераётган предметни ўзлаштирган бўладилар.

Предметни атрофлича чуқур билган ўқитувчилар қаторига ўз предметини пухта эгаллаган, унинг асосидан хабардор, ўзи ўқитаётган фанга яқин фанлардан ҳам хабардор ўқитувчилар киради. Улар ўз касбининг усталари, мактаб ҳаётида фаол иштирок этувчи етук ўқитувчилар ҳисобланади. Бу ўқитувчилар мактабда ўтказиладиган очиқ дарсларда, методик йиғилишларда, педагогик советларда, ўзаро суҳбатларда, баҳslashувларда фойдали фикр ва мулоҳазалар билдирадилар. Уларни биз *ўз касбининг усталари* ҳам деймиз. Улар ўқитаётган фанларини унга яқин фанларга боғлаб ўтадилар, ўқувчиларга пухта билим берадилар.

*Ёш ўқитувчилар* мактаб остонасига илк бор қадам қўяётган орзу-умидли ёшлардир. Улар ўзгалар дарсини таҳлил этганда кўпинча дарснинг ютуқларини гапирадилар. Дарсларда юз берган нуқсонларни эса жуда эҳтиёткорлик билан тилга оладилар, дарсни таҳлил этишда кўпроқ мактаб раҳбарларига, кекса педагогларга эргашадилар, аниқланган камчиликни тез тугатишга интиладилар. Бу ёш ўқитувчилар учун одатда дарсни таҳлил этишга доир методик йиғилишлар, семинарлар ташкил этилади, дарс таҳлил этилган доклад текстларини тайёрлаш топширилади.

Дарс таҳлили ўзаро узвий боғланган қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- ўқув материалининг мазмунини таҳлил этиш;
- ўқувчининг ўқиш, ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш;
- ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини таҳлил этиш;
- ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини ўзи томонидан таҳлил қилиниши;
- таълимнинг мақсад ва вазифаларини таҳлил этиш;
- ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита иштирокида нарса, воқеа ва ҳодисани таҳлил этиш;
- ўқув материални содда шаклда таҳлил этиш;
- таълимнинг турларини таҳлил этиш;

— таълим методларини таҳлил этиши

Қуйида биз юқорида кўрсатилган қисмлардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўқув материалининг мазмунини таҳлил этишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Ўқув материалининг мантиқий тугалланган қисмларининг мураккаблиги (ортиқ, ўртача ёки ол даражада мураккаблиги) таҳлил этилади.

2. Ўқитиш мазмунининг характери (ёзув-чизув, назарий тажриба ёки экспериментал ҳолда бўлиши) белгиланади.

3. Ўқитувчи бераётган маълумотнинг (ҳикоя ҳолдаги баёни, расм ёки объектни кўрсатиши, амалий машғулот орқали маълумот бериши) таҳлил қилинади.

4. Ўқитувчи баёнининг мантиқий йўналишини (индуктив, дедуктив кўришишларини) таҳлил этиши.

5. Ўқувчининг билиш фаолиятини (ўқитувчи баёнини айнан кўчириб олиш йўли билан ёки изланувчанлик билан қабул этишини) таҳлил этиш.

6. Ўқув материали мазмунининг мукамаллигини (ўқув материалининг мукамаллиги қай даражада экаплигини) таҳлил этиш.

Ўқувчининг ўқиш ва ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Ўқувчи тарбиясининг даражасини (ўқувчилар тарбиясининг қай даражада эканлиги) таҳлил этиш.

2. Ўқувчида таълимий тайёргарликнинг уйғунлашиб боришини (ўқувчининг билимни ўзлаштириши, онгида таълимнинг шаклланиши ва ривожланишини) таҳлил этиш.

3. Ўқув материалининг ўқувчилар билим ва ёшига мослигини таҳлил қилиш.

4. Ўқувчининг ўтилаётган темага муносабатини (ўқувчиларнинг тема мазмунига қўшилиши ёки бетарафлигини) таҳлил этиш.

5. Ўқувчилар билиш фаолиятини (ўқувчининг тайёр билимини олишга ёки уни излашга йўли билан эгаллашга ўрганганлигини) таҳлил этиш.

6. Ўқувчининг ўқув машғулоти бўйича малакасини (ўқувчиларнинг у ёки бу темани қабул этиш қобилиятини, кўникмасини) таҳлил қилиш.

7. Ўқув машғулотининг тезлигини таҳлил этиш.

8. Ўқитувчининг ўқувчига нисбатан талабчанлигини, унга таъсир этиш даражасини таҳлил этиш.

Бу хил таҳлилда ўқувчиларнинг ўқитувчи берган билимни ўқиб, ўзлаштириб олишларига, билимни ўзлаштиришдаги излашишларига, ўқишга масъулият билан қарашларига ҳам аҳамият берилади.

Ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини таҳлил этиш, яъни ўқув моддий базасининг яратилишини ёки ўқитувчининг синф коллективини тўла ўрганишини (лабораториянинг жиҳозланишини, демонстрация қилинадиган материалларни, дидактик материалларни, техник воситаларни, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро алоқасини, синфдаги вазиятни) таҳлил қилиш мураккаб масала ҳисобланади.

Таълимнинг мақсадини, вазифаларини таҳлил этишда таълим ва тарбия жараёнида ўқувчи шахсининг ривожланиши (интеллектуал ва атрофлича тараққиёти) ўқитилаётган ўқув предметини эгаллаш, ўқув ишларини бажариш, ўқишга муносабатнинг шаклланиши, шунингдек ўқувчининг ғоявий-ахлоқий тарбияси, унда меҳнат ва касб танлаш, жисмоний эстетик тарбиянинг ривожини, коммуникатив эътиқод ва дунёқарашнинг шаклланиши ўрганилади.

Таълимнинг мақсад ва вазифаларини таҳлил этишда предметларнинг ўзаро алоқасининг таъминланиши, таълим мазмунининг тарбиявий характер касб этиши, таълим мазмунининг динамик ривожланиши ҳисобга олинади. Бунда дарс қандай мақсадда ўтказилаётганини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, дарс: а) янги билимларни ўзлаштириш; б) эгалланган малака, кўникмаларнинг эгалланишини текшириш. ларни системалаштириш, умумлаштириш; д) билим, малака, кўникмаларнинг эгалланишини текшириш.

Таълимнинг мақсад ва вазифаларини таҳлил этишда дарсни ташкил этиш формуласига, яъни: а) ўқувчиларни группаларга бўлиб ўқитишга; б) экскурсия вақтида звеноларга бўлинишига; в) тажриба участкалари ёки лабораторияда, ишлаб чиқариш корхоналарида группаларга бўлиб ўқитилишига ҳам эътибор берилади.

Таълим методларини таҳлил этишда қуйидагиларга: а) ўқитувчи қўллаётган методнинг ўқув материалининг характериغا мослигига; б) дарсда кўргазма қуролларининг (портрет, иллюстрация, диафильм, ўқув фильми ва бошқалар) танланишига; в) амалий ишларнинг: адабиётлар билан мустақил ишлашнинг ташкил этили-

шига, мустақил ишларни бажаришдаги ўқувчилар фаолиятига эътибор берилади.

Ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини ўзи томонидан таҳлил қилинишида билимни оғзаки, фронтал, яқка тартибда сўрашини, ёзма ишларни (диктант, ишшо, баённи) ўтказишда қўлланган методларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайди. Бунда у: а) берган билимининг, ўқувчилар онгини шакллантиришда қўллаган усулларининг тўғрилигини; б) ўзлаштирилган материал асосида ўқувчиларнинг ўз-ўзини текширишини ташкил этишда қўллаган методининг тўғрилигини; в) ўтказган мустақил ишлари асосида ўқувчининг ўз-ўзини текширишини ташкил этишда тутган йўллارининг қанчалик талабга жавоб берганлигини, ўтказган дарсларининг таълимда қанчалик самара берганлигини аниқлайди — таҳлил қилади.

### ДАРСШУНОСЛАР ВА ДАРСШУНОСЛИК

Дарсни таҳлил этиш дарсшунослар тажрибаси ва шунингдек, дарсшунослик назарияси билан танишишни талаб этади. Дарсшунослик дарс тўғрисидаги фан бўлиб, у узвий бирликдаги уч қисмдан иборат: дарс назарияси, дарс тарихи ва дарс таҳлили.

Дарс назарияси дарснинг моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, унинг жамиятдаги ўрни, роли, дарсни таҳлил этиш турлари ва принциплари, дарсга баҳо бериш талаблари ҳақида баҳо этади.

Дарс таҳлили замонавий дарсларни коммунистик партия, жамият талаблари асосида ва педагогика, психология, гигиена фанига суянган ҳолда тадқиқ этади, ютуқ ва камчиликларни аниқлайди, дарсга ва ўқитувчининг маҳоратига баҳо беради, ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ўқув программалари асосида уларни қайта тайёрлашга кўмаклашади.

Дарсшунослик классик педагогларнинг илғор фикрлари, илғор тажриба ва «Илғор тажриба мактаби» материалларидан озуқа олади ва маҳорат мактаби сифатида дарсшуносларга йўл-йўриқлар кўрсатади.

Дарсшунослар сафини қуйидаги уч группа кишилар ташкил этади:

1) энг самарали дарсни ташкил этиш назариясини тавсия этган назарийчи методист олимлар, аспирантлар, изланувчи тадқиқотчилар;

2) энг самарали ва педагогик, психологик талаблар-



жаъоб берувчи дарсларни бевосита ташкил этувчи, тажрибали ўқитувчилар;

3) дарсни ташкил этиш методикаси ва назариясини, илғор тажрибаларни мукамал эгаллаган, дарсларни ташкил этиш юзасидан тўғри йўл-йўриқ кўрсата оладиган ўқитувчилар.

Я. А. Коменский, Ф. Герберт. В. А. Кистервег, К. Д. Ушинский, Н. К. Крупская, В. А. Сухомлинский дарсшуносликка асос солган устозлардир. Уларнинг эстафетасини бугунги кунда ўз касбининг усталари бўлган республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар, «Катта ўқитувчи». «Ўқитувчи-методист» унвонига эга бўлган ўқитувчилар давом эттирмақдалар.

### ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ МАНБАЛАРИ

Ҳар қандай фан *ўз манбаига* эга ва фақат шу манба замирида у баҳс юритади, ривожланади, тараққий этади.

Дарс таҳлилининг мураккаб хусусиятлари унинг манбаларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Маълумки, дарсни таҳлил этувчи шахс, биринчидан методологик адабиётларга, педагогика фанининг ютуқларига, илғор мактаб ва ўқитувчилар тажрибаларига асосланади. Иккинчидан, педагогик-дидактик принципларга, маориф министрлигининг кўрсатмаларига, педагогик матбуотда эълон қилинган, нашр этилган методик тавсияларга асосланади. Яъни у:

марксизм-ленинизм классикларининг таълим-тарбия ҳақидаги таълимотларига;

партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифи, мактабда таълим ва тарбия бериш ҳақида қабул қилган қарорларига;

давлат — ўқув план, программа ва дарсликларига, педагогика, психологияга доир асар — дарсликларга;

у ёки бу предметни ўқитиш юзасидан ёки маълум бир фанни ўрганишга бағишланган илмий-методик адабиётларга;

«Педагогик ўқиш» материалларига;

методик илмий-амалий конференция, методик семинарлар материалларига, амалда синаб кўрилган илғор тажрибаларга.

Маълумки, дарсларни таҳлил этишда айрим вақтда ўқитувчи билан таҳлил этувчи ўртасида тортишув ва мунозарага сабаб бўлган масала юзага келиши мумкин.

Масалан, ўқитувчи II—III комплект синфларда дарс

беради. Бунда аввал иккинчи синф ёки учинчи синф ўқувчиларига 10 минутга мўлжаллаб мустақил иш беради, ўқувчилар мустақил ишни бажариш билан банд бўладилар, бу вақтда ўқитувчи бошқа синфга раҳбарлик қилади. 10 минут ўтгач мустақил ишни бажарган синф билан бирга машғулот ўтказади. Бошқа синфга ўн минутга мўлжаллаб мустақил иш беради. Машғулотнинг маълим қисми тугагач, яна шундай навбатлашаверади. Бу каби машғулотни ўрганиш таҳлил этувчидан масалага жиддий, эҳтиёткорлик билан ёндошишни талаб қилади, албатта. Шунинг учун ҳам дарс таҳлил этувчи юқорида қайд қилинган адабиёт ва методик кўрсатмалардан хабардор бўлиши ва дарс таҳлиliga ижодий ёндошиши керак. Илм-фан, техника тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги давр шуни тақозо этади.

### ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Дарсни таҳлил этишга киришишдан олдин, *дарсга киришининг сабаби*, мақсади аниқлаб олинмоғи зарур. Бунда дарсни таҳлил этиш принципларидан хабардор бўлиш ҳам керак. Дарсни таҳлил қилишнинг *принципларини аниқлаб олмай туриб*, дарс таҳлили йўналишини белгилаш мумкин эмас.

Дарсни таҳлил қилиш принциплари қуйидаги кўринишларга эга:

*дарс маълум план, графика асосида ва аниқ мақсад билан таҳлил этилади;*

*дарс таълим-тарбиявий жараён билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади;*

*дарс таҳлили педагогика, психология, методикада қабул қилинган умумий қонун-қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади;*

*таҳлилда дарсда бажарилиши мумкин бўлган ишлар билан бажарилган ишлар таққосланиб, тегишли хулоса чиқарилади;*

*таҳлилда мактабнинг ўқув моддий базаси, имконият, шароит, ўқувчи билими, ёши, синфдаги вазият ҳисобга олинади;*

*дарс юзасидан хулоса чиқаришда шошмаслик педагогик-психологик шартлардан бири эканлигига амал қилинади;*

*таҳлил вақтида дарсда йўл қўйилган хато ва камчиликлар шахсан ўқитувчининг ўзига эҳтиётлик билан айтилади;*

*умумий йиғилишда дарснинг йиғилиш қатнашчиларига алоқадор бўлган жиҳатлари ҳақида фикр билдирилади.*

Дарснинг ижобий томонларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш, аниқланган илғор тажриба, усулларни кенг пропаганда қилиш, аниқланган камчиликни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилаш, педагогик методика соҳасида эришилган янгиликларни кенг оммалаштириш — дарсни таҳлил этувчининг асосий, шарафли бурчидир.

### **ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Дарсни кузатиш, уни таҳлил этишга тайёргарлик кўриш ва таҳлил қилиш, асосан, беш bosқичда амалга оширилади:

1. Мактаб раҳбарлари билан суҳбатлашилади, таҳлил қилинадиган дарс, кузатиш муддати белгиланади.

2. Ўқув плани, ўқитувчининг дарс учун тузган конспекти, дарслик, ўқув-методик қўлланма ва қўшимча материаллар билан танишилади, ўқитувчининг шахси ва характери ўрганилади.

3. Синфда дарс жараёни кузатилади ва зарур фикрлар «Дарс таҳлили дафтари»га ёзилади.

4. «Дарс таҳлили дафтари» даги ёзувларни ўқиб чиқиб, улар мукаммаллаштирилади ва умумлаштирилади, шу асосда суҳбатда айтиладиган фикрлар белгиланади. Синф журнали, ўқувчиларнинг ёзма ишлари, дафтарлари, ўқитувчининг фаолияти ҳақидаги фикрлар, мактаб раҳбарлари кузатган дарс таҳлили материаллари ўрганилади, баъзи фактлар таққосланади.

5. Дарсни кузатиш жараёнида туғилган фикр, хулосалар ҳақида орзаки таҳлил этилади, ўқитувчига маслаҳатлар берилади. Мазкур дарс юзасидан билдирилган фикрларга ўқитувчининг шахсий муносабати сўралади, сўнгра дарс ҳақидаги фикрлар яқунланади.

ВКП (б) Марказий Комитетининг 1932 йил 25 августдаги «Бошланғич ва ўрта мактаблардаги ўқув программалари ва режими ҳақидаги қарорида «Бошланғич ва ўрта махсус мактабда ўқув ишини уюштиришнинг асосий формаси — маълум группа ўқувчилари билан қатъий машғулот жадвалига мувофиқ дарс олиб бориш бўлиши керак»<sup>1</sup> деб кўрсатилади.

<sup>1</sup> Мактаб тўғрисида қарор ва йўл-йўриқлар тўплами. Т., Ўздав. ўқув педагогика нашриёти, 1952, 61-бет.

Бинобарли, дарс таҳлил қилувчи дарснинг мактаб маъмурияти томошидан тасдиқланган ва қатъий дарс жадвалига мувофиқ дарсга киради, таҳлил вақтида кузатишган дарснинг «Дарс жадвали» да қўйилган ўрни мақсадга қанчалик мувофиқлиги ҳақида ҳам фикр билдиради. Айрим вақтлар бўладики, кузатишган дарс ўқитувчининг иштирокисиз ҳам ўтказилади. Бундай таҳлил тўрт кўринишда бўлиши мумкин:

1. Узоқ ўтган даврда олиб борилган дарслар ҳужжатлар ва адабиётлар ёрдамида таҳлил этилиб, дарсда қўлланилган методлар, дарсларнинг ўша давр ўқувчиларининг таълим-тарбия олишида тутган ўрни ҳақида маълум хулосага келинади.

2. Маълум шахслар томонидан ёзиб қолдирилган дарслар тафсили мукамал ўрганилиб, дарс ҳақида маълум хулосага келинади.

3. Дарси кузатишган ўқитувчидан олдинги даврда ўтказган дарсларида қўлланган усуллари ёзиб олинади ва унинг баёни асосида илгари ўтган дарси таҳлил этилади.

4. Дарс ўтилаётган синф хонасига яқин жойга магнитофон қўйилиб, микрофон ёрдамида дарснинг бориши магнит лентасига тўла ёзиб олинади, сўнг тингланиб, таҳлил этилади.

Масалан, методист олим Й. Абдуллаев 1959 йили ўқитувчи Саидазиза Ғаниева<sup>1</sup> билан суҳбатлашади: С. Ғаниева ўз суҳбати давомида I синфда «Товуш методи» да олиб борган бир соатлик дарси тафсилини сўзлаб беради. Й. Абдуллаев ёзиб олган мазкур дарсни таҳлил этиб (шахсан дарсда қатнашмаган ҳолда), шундай хулосага келади: илгари вақтларда «товуш билан ҳарф бир-биридан аниқ ажратилмаган». Сўздаги товушлар таҳлили ўтказилмаган<sup>2</sup>. Ёки педагогика фанлари доктори Асқар Зуннунов сиёсий, тарихий, педагогик, методик адабиётлар ва маълумотлар асосида дарсларни таҳлил этиши натижасида Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан олдин эски мактаб ва

<sup>1</sup> Ғаниева Саидазиза 1906—1917 йилларда икки синфлик рус-тузем мактабининг ўзбек синфида ўқитувчилик қилган. 1923—1926 йилларда совет мактаби ҳаётида актив қатнашган. 1926—1930 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи комиссарлигининг Тошкентдаги Чернишевский номидаги намуна мактабининг бошланғич синфларида ўзбек тилидан дарс берган. 1950 йилларда САГУда араб тилидан дарс берган.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. Т., «Ўқитувчи», 1966, 160—161-бетлар.

мадрасаларда адабиёт ўқитилишини фикран таҳлил этар экан, эски мактабларда «Ўқувчилар китобни тутилмасдан ўқисалар ёки ёддан ўқиб берсалар (дарсда), таълим ўзлаштирилган деб ҳисобланарди. Объектив борлиқни ҳис этишдан маҳрум бўлган ҳолда «таълим» ни ушбу зайлда «ўзлаштириш» натижасида сўзлар бола онгида ўз маъносини йўқотар, қуруқ бир шаклга айланар, борлиқни акс эттирувчи образ, тушунча ҳосил қилмас эди»<sup>1</sup> — деган хулосага келади.

### ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ МАҚСАДИ

Дарс таҳлилининг мақсади қуйидагилар:

- 1) КПСС ва совет ҳукуматининг кўрсатмаларига тўла амал қилиш;
- 2) ўқув-методик қўлланмаларда тавсия этилган илғор тажрибаларни амалда жорий этиш;
- 3) бериладиган таълим мазмуни ва вазифаларини аниқлаб олиш, даражасини аниқлаш;
- 4) таълим методининг дидактик принципларига амал этиш;
- 5) ўқувчилар билими ва малакалари даражасини белгилаб олиш ва билимни синфда яратилган шароитни ҳисобга олган ҳолда талқин этиш;
- 6) самарадорлик, умумий-ташкилий талабларга амал қилиш;
- 7) фандаги янгиликларни, илғор тажрибаларни пропаганда этиш;
- 8) ижодий изланувчи ўқитувчилар тажрибасини аниқлаб, уларни амалда қўллаб бориш;
- 9) давлат ўқув программаларида берилган материалларни болалар онгига тўла сингдириш;
- 10) ўқитувчи ва ўқувчи ақлий фаолияти, ўзаро муносабатдаги янгиликни ўргатиш.

### ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дарс таҳлилининг мақсади унинг келгуси вазифаларини белгилайди. Дарс таҳлилининг вазифалари:

- 1) умумтаълим мактабларида ўқитилаётган предмет ва бу предметнинг системаси, ҳажми, мазмуни ва асосларини аниқлашдан;
- 2) ўқувчининг ёзма, оғзаки нутқида

<sup>1</sup> Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. Т., «Ўқитувчи», 1973, 4-бет.

учрайдиган камчиликларнинг туғилиш сабабларини таҳлил этиш, камчиликларни бартараф қилишга ёрдам берадиган чораларни белгилашдан;

3) ўқувчиларнинг аниқ тушунишлари, билимларни пухта эгаллашлари, уларни ўз ҳаётларида — турмушга татбиқ эта билишлари учун йўл-йўриқлар белгилаб олишдан; 4) меҳнатга муҳаббат, ҳурмат, ёшларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ва уларда ахлоқий-эстетик сифатларни камол топтириш учун ўқитувчи қўллаган тадбирларни атрофлича ўрганишдан; 5) методикадаги, илм-фандаги янгиликларни амалда қўллаганини аниқлашдан иборатдир.

Дарсни таҳлил этувчи ўқитувчи ўқувчиларни матбуот материалларини мунтазам ўқиб боришга қизиқтирадиган усул ва приёмларини илмий таҳлил этиб, ўқитувчиларга амалий ёрдам ҳам беради. Бу эса дарсни таҳлил этувчининг газета-журнал, радио ва телевидение янгиликларидан мукамал хабардор бўлиб боришини тақозо этади.

Таълим хусусияти асосида талаб қўйиш ҳам таҳлилни муҳим вазифасидир. Бу вазифани амалга оширишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

**1. Таълим босқичлари** (I-III, IV-VIII ва IX-X синфлар) даги таълим хусусияти. Масалан, бошланғич синфдаги она тилини ўқитиш методикаси ўрта мактабнинг юқори синфларида она тилини ўқитиш методикасидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам I—III синфлардаги она тили дарсига қўйилган талабларни VIII синфдаги она тили дарсига қўйиш мумкин эмас.

**2. Синфнинг ўзига хос хусусияти.**

**3. Ҳар бир синфнинг ички босқичлари.** Масалан, биринчи синф савод ўргатиш даври («алифбегача бўлган давр», «алифбе даври», «алифбедан сўнгги давр» каби) босқичларга эгаки, улардаги машғулотлар бир-биридан фарқ қилади ва бу даврда ўтиладиган дарсларга қўйилган талабни биринчи синфда ўқув йилининг охири, яъни апрель, май ойлари дарсларига қўйиб бўлмайди.

**4. Предметнинг ўзига хос хусусиятлари.** Масалан, математика фанига доир дарсларга қўйиладиган талабларни тарих, адабиёт фанига доир дарсларга нисбатан қўллаб бўлмайди.

**5. Дарс типлари.** Масалан, умумлаштириш, яқунлаш мақсадида уюштирилган дарсга янги темани баён этиш дарсига хос талабни қўйиб ёки контрол диктантга доир

\*Дарсларга ўқиш, нутқ ўстириш дарсларига доир талабни қўйиб бўлмайди.

**6. Дарс турлари.** Масалан, физика фанига хос лаборатория машғулотида физика предметидан назарий билим бериш мақсадида уюштирилган дарсга доир талабни қўйиш мумкин эмас.

**7. Таълим турлари.** Масалан, математика фани бўйича чуқурлаштирилган таълим мактабидаги 9-синф математика дарсига умумтаълим мактабларининг 9-синфига қўйиладиган талабни қўйиш мумкин эмас.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, таҳлил қилувчи таҳлилда дарс ўқитишдаги ўз тажрибасига ҳам суянади. Унинг ўзи қанчалик дарс ўтиш маҳоратига эга бўлса, бошқалар дарсини ҳам шунчалик маҳорат билан тўғри таҳлил қилади.

Дарснинг тўғри ёки нотўғри уюштирилганлиги берилган билимларнинг ҳажми синфда ёки синфдан ташқари олиб борилган ишларни амалга ошириш сифатига қараб аниқланади.

## Иккинчи бўлим

### ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ ТУРЛАРИ

Дарс таҳлилини ўз моҳиятига кўра беш катта гурпунага бўлиш мумкин:

1. Илмий таҳлил.
2. Психологик таҳлил.
3. Методик таҳлил.
4. Дидактик таҳлил.
5. Умумий педагогик таҳлил.

Энди уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида олиб қараймиз.

#### 1. Илмий таҳлил

Бу таҳлилда ўқувчиларга берилаётган билимларнинг илмий-назарий жиҳатдан тўғрилиги, мукамаллиги ҳамда ўқувчилар бажараётган мустақил ишнинг мукамаллиги ва унинг аниқ мақсад томон йўналиши ўқув предмети хусусиятлари асосида аниқланади. Ўқув предметларининг хусусиятлари эса дарсларни таҳлил қилишда тўла очилади.

Дарсни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда асосан қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

- а) қоида ва таърифларнинг, рақамларнинг тўғри баён этилиши ва тўғри кўрсатилишига;
- б) ўқитувчининг темага илмий ёндошишига;
- в) фан тарихи ҳақида бераётган тушунчаларига,-
- г) ўқитувчининг хулосалари, якуний натижаларига, уларнинг илмий жиҳатдан тўғри, муқаммаллигига;
- д) дарслик материалларини қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилишига, ўқувчилар бажараётган лаборатория ва мустақил ишларнинг мақсадга мувофиқлигига;
- е) ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олинишига;

Дарсни таҳлил қилишда шундай ҳоллар ҳам бўладики, таҳлил этувчи таҳлил этилаётган дарсга тааллуқли бўлмаган масалалар ҳақида сўзлаб, дарснинг муҳим томонлари ҳақида ўз фикрларини аниқ билдирмайди. Ваҳоланки, «Таълим мазмунини илмий-педагогик жиҳатдан ёритиш сиёсий ва гносеологик фикрни педагогик нуқтаи назардан баён этиш демакдир. Ҳар қандай педагогик назария, педагогик система методологик позициянинг ифодасидир. Таълим мазмунини тўғри ҳал қилиш учун бу тарихий тажрибаларни ўрганиш лозим»<sup>1</sup>.

Дарсни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш фан тарихи ва ўқув предметига алоқадор олимлар биографияси билан ўқувчиларни қисқача таништириб боришни ҳам тақозо этади.

Дарсларни илмий жиҳатдан таҳлил этишда ўқитувчининг бераётган билими юзасидан чиқарган илмий хулосалари ва бу илмий хулосаларнинг ўқувчиларнинг билим савиясига мослигига, уларнинг хулосалар чиқаришдаги иштирокини аниқлашга аҳамият берилади.

Ўқувчиларда фанни ўрганиш йўллари, методлари ҳақида малака ҳосил қилмасдан туриб, уларнинг фан асосларини тўлиқ ўрганишига, илмий фикрлашига эришиш мумкин эмас. Масалан, ўқувчилар физикавий, химиявий ҳодисаларни тажриба жараёнида кузатибгина қолмай, лаборатория ва турли-прacticum ишларини ҳам бажарадилар. Бу билан уларда дастлабки илмий изланиш бошланади. Табиийки, ўқувчиларни «илмий изланиш қақдай натижага олиб келади?» деган савол қизиқтиради. Бу саволга улар ўқув предметининг (фаннинг)

<sup>1</sup> Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. Т., «Ўқитувчи», 1973, 129-бет.



тарихига доир маълумотларни эгаллаш орқали жавоб топадилар.

Фан тарихи билимнинг алоҳида муҳим қисмидир. У мактабда ўргатилаётган билимларнинг қачон юзага келганлигини, қачондан бошлаб ўрганила бошланганлигини талқин этади. Шунга кўра, ўқувчилар фан тарихи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Масалан, 9-синфда «Магнетизм» темаси (физика дarsi) ни ўтишда кўпчилик ўқитувчилар фан тарихига мурожаат этадилар. «Магнетизм»га алоқадор янгиликлар кашф этган олимларнинг гражданлик ва ахлоқий сифатлари: принципаллик, ўзига танқидий муносабатда бўла олиш, адолатлилик, талабчанлик каби ҳислатларини эслатадилар<sup>1</sup>.

Шунинг учун ўқувчиларнинг билимларини текшириш фақат контрол характерида бўлмай, балки уларнинг ўқишга, фанга бўлган қизиқишини ўстиришга, фикрлаш қобилиятини тарбиялашга хизмат этмоғи керак.

Қоида, таърифларнинг тўғри баён этилиши ва темага нисбатан ўқитувчининг илмий муносабатда бўлиши узвий бирликда таҳлил этилади. Бу хилдаги таҳлилда ўқитилаётган предметга алоқадор илмий манбалар ва мутахассисларнинг фикрларига суянилади.

Қуйида география, ботаника, ўзбек тили грамматикаси мутахассислари фикрларидан мисол келтирамиз.

География предметиға алоқадор дарслар илмий жиҳатдан таҳлил этилганда қуйидагилар ҳисобға олинади:

а) предметнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганиш, кузатиш;

б) ўзи туғилиб ўсган жойдаги географик хусусиятларни бошқа жойлардаги географик хусусиятларға солиштириш;

в) география фанини ўрганишнинг экскурсияға боғлиқ бўлишини ҳисобға олиш;

г) картадан фойдаланиш;

д) рақам кўрсаткичларидан тўла фойдаланиш<sup>2</sup>.

Ботаникадан ўқувчиларға бериладиган билим системаси жиҳатидан ботаника дарслари беш турға бўлинади:

1. Анатомик-морфологик характердаги дарслар.

<sup>1</sup> Ярошевский М. Г., Зорина Л. Я. История науки и школьное обучение. М., «Знание», 1978, 14-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Эрдели В. Г. Урок по географии. В сб. Методика преподавания географии. М., «Просвещение», 1966, 49-бет.

2. Физиологик характердаги дарслар.
3. Экологик характердаги дарслар.
4. Систематикага доир дарслар.
5. Биологик-агротехник характердаги дарслар<sup>1</sup>.

Ўзбек тили фанини ўрганишга бағишланган дарслар ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Ўқувчиларни гап тузишда нутқ товуши, бўғин, сўзлардан ўринли фойдаланишга, уларни тўғри ёзишга ўргатиш.

2. Ўқувчилар нутқини турли сўз, синтактик конструкциялар билан бойитиш ва шулар орқали уларни нутқ тузишга ўргатиш.

3. Ўқувчиларни ақлий, эстетик, этик томондан тарбиялаш ва уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш.

4. Саккизинчи синфдан кейин ўқишни давом эттира олишга тайёрлаш<sup>2</sup>.

Дарснинг илмий таҳлилида ҳар бир ўқув предмети-нинг бир-биридан ажралмас юқорида қайд қилинган вазифалари тўла ҳисобга олинади. Чунки ўқитувчи баён этган таъриф ёки қоида ўқувчи учун илмий башорат каби туюлади.

Илмий башорат табиат ва жамият қонуниятлари унинг номаълум бўлган ва ҳали юзага келмаган ҳодисалари соҳасида жорий этилишига асосланади. «Илмий башорат тўғрилигининг мезони ҳамиша практикадир»<sup>3</sup>.

## 2. Психологик таҳлил

Дарсни таҳлил этаётган ўқитувчининг олдида хилма-хил психологик талаблар ҳам қўйилади. Дарсни таҳлил этувчи дарсни ўтишда ўқитувчининг ўқувчи қобилиятини<sup>4</sup> тарбиялашига, унда иродавий активликни юзага келтириш ва ривожлантириш учун қўллаган усуллари-

<sup>1</sup> Қаранг: Верзилин Н. М. «Основы методики преподавания ботаники», изд. АПН РСФСР, М., 1955, 139-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Розиков О. Ўзбек тилида дарс типлари. Т., «Ўитувчи», 1976, 23-бет.

<sup>3</sup> Философия лугати. Т., «Ўзбекистон», 1976, 181-бет.

<sup>4</sup> Ўқувчидаги қобилиятни, талаптни тарбиялашга ўқитувчининг қанчилик ҳаракат этганлиги алоҳида белгиланади.

га<sup>1</sup>, ўқувчининг тасаввур этиш ва ижод этишида зарур ҳисобланган хаёл фаолиятига<sup>2</sup> қандай муносабатда бўлганлигига аҳамият беради.

Психологик таҳлил ўқувчи ва ўқитувчининг қобилияти, қизиқиши, темпераменти, характер хусусиятлари, идрок, диққат кабиларни ўрганиш билан характерланади.

Психологик таҳлил дарслар таҳлилининг бошқа турларидан ўзининг мураккаблиги билан фарқ қилади. Бу мураккаблик эса ўқитувчидан психология фанини мустақил ўқиш, ўрганишни тақозо этади.

Психологик таҳлил мураккаб бўлганлиги туфайли дарсларни психологик жиҳатдан таҳлил этиш учун гарчи илмий ходимлар, мутахассис-психологлар, психологиядан яхши хабардор методист-ўқитувчилар шуғуллансалар ҳам, бу ишга жамоатчиликни жалб этиш таълим сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди<sup>3</sup>.

Психологик таҳлил этувчи дарсни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини таълим-тарбиянинг такомиллашган психологик асосларига суяшган ҳолда текширади. Яъни у, дарс жараёнида ўқитувчининг таълим-тарбиянинг психологик асосларига суянишини, ўқувчиларнинг ўқув ишлари ва дарс жараёнидаги хулқий, психологик ҳолатларини ўрганади.

Метод, темперамент ва характерни ўрганишда дарсларни таҳлил этувчилар психология методларидан фойдаланадилар ва материалистик дунёқараш методларига асосланадилар. Чунки психологик тадқиқотга принципал ёндошиш диалектик метод талаблари билан белгиланади. Диалектик метод ҳар бир психик ҳодисани, у билан алоқадор бўлган бошқа барча нарсаларни ҳодисаларга боғлаб ўрганишни ва уларни ўзаро муносабатда текширишни талаб қилади. Дарс шахс тушунчаси, психологик методлар, кузатиш методи (ташқи кузатиш,

---

<sup>1</sup> Ўқувчининг муайян мақсадни кўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишда, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шуғулланишдан ўзини тия олишда, ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган иродавий активлик мактаб таълимининг асосий шартидир.

<sup>2</sup> Коллектив. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1975, 359—378-бетлар. Давлетшин М. Г. Таълимнинг психологик асослари. Т., «Ўқитувчи», 1978, 5—9-бетлар.

<sup>3</sup> Бадалов А. Психология на службе педагогики, М., «Учительская газета», 11 июня, 1981, №70 /7915/, 3-бет.

ўз-ўзини кузатиш), фаолият самарадорлигини текшириш-методи кабиларга асосланиб таҳлил этилади<sup>1</sup>.

Психологик методлар ёрдамида характер ва темперамент ўрганилади. Психологик таҳлил шахснинг характер хусусиятларини ўқувчилар ва ўқитувчи мисолида текширади. Бунда ўқитувчининг қуйидаги муносабат хусусиятларига баҳо берилади:

а) ўқувчилар коллективига ва айрим ўқувчига бўлган муносабатларини ифодаловчи хусусиятлар; б) ўқитувчилик касби-меҳнатига бўлган муносабатини ифодаловчи хусусиятлар; в) нарсаларга бўлган муносабатини ифодаловчи хусусиятлар; г) ўқитувчининг ўз-ўзига бўлган муносабатини ифодаловчи хусусиятлар.

Дарсни таҳлил этувчи ана шу муносабатларни психологик нуқтаи назардан таҳлил этар экан, мазкур хусусиятларни ёки маъқуллайди ёки уни ўзгартиришни талаб этади.

Масалан, таҳлил этувчи ўқувчининг ортиқча таъсирланган пайтлардаги ёки ўқитувчига жавоб бераётган пайтдаги ва ёки мустақил иш бажараётган ҳолатдаги характери ва темпераментини ўқитувчининг ҳисобга олишини ҳамда ўқитувчининг худди шу жараёнда қўллаган педагогик усулнинг психологик таҳлил этади ва бу усулларнинг қай бири ўринли ёки ноўрин эканлигини аниқлайди. Бундай таҳлил ўқувчиларнинг идрок этишини ўрганишда педагогларга ёрдам беради.

Идрок ва диққатни таҳлил этиш эса ўқитувчи ўқувчиларга бирон-бир материални тушунтирар экан, улар шу материални қандай ўзлаштираётганлигини, уни қандай идрок<sup>2</sup> этаётганини, қандай эслаб қолаётганини, фикрлаётганини, уларда диққат-эътибор, ҳиссиёт қандай намоён бўлаётганини, ва бу жараён уларда қандай ўзгариш пайдо этаётганини аниқлайди.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг билимларни идрок этишларига ўқитувчи кўрсатаётган таъсирни ўрганиш психологик таҳлилда алоҳида аҳамиятга эгадир. Билимларнинг идрок этилишини мукаммал таҳлил этмоқ учун, *аввало, идрок этиш жараёни, ўқитувчининг бу жараёндаги баёни (таъсир этиш усуллари, баёнининг секин ёки тезлиги)* пухта ўрганилади. Чунки ўқувчилар билимлар-

<sup>1</sup> Қаранг: Коллектив. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1975,

<sup>2</sup> Коллектив. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1975, 251—283-бетлар.

ни турли жараёнда ва турли кўринишда идрок этадилар. Масалан: 1. Ўқитувчининг оғзаки ҳикоясида. 2. Суҳбатда. 3. Лекциясида. 4. Кинофильм, ўқувфильм, диафильмларни. 5. Телевизион кўрсатмали қуролларни намоиш этишда. 6. Эскурсиялар жараёнида. 7. Дарсликлар ва турли қўлланмалар асосида дарс ўтишда. 8. Мустақил ишларни бажариш жараёнида.

Таҳлилда ўқувчиларнинг идрок этиш жараёнидаги диққатини ўрганиш билан унинг идрок сифати ва бу сифат давлат ўқув программаси талабига жавоб беришининг даражаси билан белгиланади.

Маълумки, *диққат — бу фикрни идрок этаётган, тасаввур қилаётган воқеа, нарсага қаратиш ва бир нуқтага тўплашдир.*

Биобарин, дарс таҳлил этувчи ўқувчи диққатининг<sup>1</sup> ихтиёрсиз, ихтиёрий турларини кузатади, текширади ва таҳлил қилади. Мазмунли, таъсирчан аниқ-объектив омиллар дарсга ва ўқувчи олдига (объектив омилларга асосланиб) психологик талабларни қўяди.

Шунинг учун ҳам дарс давомида ўқувчини кузатаётганда унинг маълум бир ҳолатда ўтириши, ўқитувчи нутқини изчил тинглашга ёки мустақил ўқишга ўзини мажбур эта олишини ўқитувчи чуқур ўрганиб боради. Шу боисдан ҳам диққатни ўрганишда: а) ўқувчининг ўз диққатини бир дарсдан иккинчисига кўчира билиш даражаси; б) диққатини ўқитувчи сўзини тинглашдан жавобга кўчира билиш қобилияти; в) китоб ўқишдан сўзлаб беришга ўтиш қобилияти текширилади. Диққатни таҳлил этишда эса мураккаб масалани ечаётганида ўқувчининг ўз диққатини фақат масала ечишга тўплаши ҳисобга олинади (у, ҳатто, шарпа, товушларни эшитмаслиги мумкин). Диққатнинг тўпланиши<sup>2</sup>, тақсимланиши учун нималар сабаб бўлганлиги «Дарс таҳлили дафтари»га қайд этилади.

<sup>1</sup> Коллектив. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1975, 196—220-бетлар.

<sup>2</sup> Фақат биргина нарсага қаратилган диққатни концентрациялашган (йиғилган) ёки тўпланган диққат дейилади. Агар диққат мураккаб иш процессида бирданига бир қанча нарсаларга қаратилса ва фаолиятнинг турли усуллари билан боғлиқ бўлса, бундай диққат тақсимланган диққатдир. Масалан, диктант (таълимий, контрол характердаги диктант бўлишидан қатъи назар) дарсида — ўқувчида тақсимланган диққат намоён бўлади. Чунки бу дарсда бир нақтнинг ўзида ўқитувчининг айтганларини эшитиш, хато қилмай ва чиroyли ёзиш учун ўқувчи диққатини тақсимлайди.

Биринчи синфда савод ўргатиш давридаги «Шолғом» эртаги асосида ташкил этилган дарсни<sup>1</sup> психологик таҳлил этган М. Раҳмонова кузатишни шундай якунлайди: «Бу дарс ўқув йилининг дастлабки кунларида бўлса ҳам барча болалар зўр диққат билан тинглаб ўтирдилар ва дарсдаги суҳбатга, инсценировкага актив қатнашиб, дарснинг ўтганини ҳам сезмай қолдилар. Шунинг учун бу бир соатлик дарс давомида болалар диққатининг бошқа ҳар хил нарсаларга чалғиши фақат 57 секундга тўғри келди»<sup>2</sup>.

Дарс таҳлилида фақат ўқувчи диққати ўрганиб қолинмай, балки у билан узвий ҳолда ўқитувчининг шахсий диққати ҳам ўрганилади. Бунда диққатнинг субъектга таъсир самараси эътиборга олинади. Шуни унутмаслик керакки, диққатни тақсимлай билиш ҳам тажрибада такомиллашади. Ёш ўқитувчи бутун диққатини тушунтирилайётган материалнинг мазмунига қаратиб, ўқувчиларнинг дарсни қандай тинглаётганлигини сезмаслиги мумкин. Бу эса дарсда ўқувчи интизомининг бузилишига сабаб бўлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарафиддиновнинг биринчи синфда ўтказган дарси психологлар томонидан таҳлил этилганда дарснинг қуйидаги ибрат бўларли сифатлари аниқланган:

1. У ўз диққатини ниҳоятда усталик ва чаққонлик билан ҳамма ўқувчиларга тақсимлай олади.

2. У доскага ёзаётганда ҳам гапирди, ҳам болаларнинг диққатини доскадаги ёзувларнинг ҳар бир элементига қаратишга ҳаракат қилади.

3. У ҳам ёзади, ҳам таъкид билдиради, ҳам маслаҳат беради, ҳам ўқувчилардан сўраб туради, ҳам ўқувчи талабини эшитади ва жавобларни маъқуллайди ёки тузатади<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, демак ўқитувчи фақат дарс бериш, ўқувчиларга тушунтириш, синфдаги ўқувчиларни кузатиш билан че-

---

<sup>1</sup> Тошкентдаги 110-мактаб ўқитувчиси, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Ф. Любешцованинг дарси.

<sup>2</sup> Раҳмонова М. Таълимда диққатнинг роли. Т., «Ўрта ва олий мактаб», 1963, 38—39-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Раҳмонова М. Таълимда диққатнинг роли. Т., «Ўрта ва олий мактаб», 1963, 12—17-бетлар.

Ғараланмайди. У доимо ўқувчилар билан муносабатда бўлади.

Синф хонасига кирганда ўқитувчида кўринган хурсандлик аломати синф коллективи ўртасида шундай психологик атмосфера ярата оладики, бу аломат ўқувчиларда ўқитувчига ва ҳатто бир-бирларига ишонч, ҳурмат куртакларини шу онда майдонга келтиради ва кучайтиради. Чунки ўқувчилар синфга кириб келаётган ўқитувчини бир бутунликда кузатадилар. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, қадам босишидан, унинг чеҳрасидан самимийлик, қувноқлик, табассум қидирадилар.

Ўқитувчининг *ҳаяжонсиз, бепарво, «бўлса бўлар»* қабилда ёки *юзидан зарда, асабийлик* билан ўқувчи жавобини тинглашига асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу хил иллат ўқувчининг ўз билимини намоёйиш этишга доир барча истак ва қизиқишларини сўндиради<sup>1</sup>.

Демак, дарсни психологик таҳлил этиш ўқитувчининг синфга қадам қўйиш дақиқаларидан бошланади. Ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирига қаратилган диққати асосида *педагогик, психологик* тактлар туғилади ва ўқитувчининг ўқувчиларни яқка, группа тарзда бошқаришдаги босиқлиги ёки енгилтақлик билан қилган муомаласи, ундаги психологик, динамик ривожланиш ҳолатининг педагогик талабга жавоб бериши ёки бермаслиги дарс таҳлилида қайд этилади.

Тактларни ўрганиш ва уни мукамал таҳлил этишда қуйидагилар ҳақида баҳс юритилади:

1. Педагогик тактнинг ривожланиш қонуни, ривожланиш босқичлари ва характерлари.

2. Педагогик тактда ўқитувчининг шахсий маҳорат сифатлари.

3. Такт самарадорлиги учун қўлланган усул ва фойдаланган воситалари.

4. Педагогик тактнинг психологик қурилиши.

Маълумки, педагогик такт ўз ривожланиш босқичларига ва ривожланиш қонунларига эга.

Ўқитувчи биринчи босқичда мужассам ва чуқур ҳолда ўқувчига педагогик таъсир этиш ҳислатига эга бўлмайди. Бу босқичда ҳатто таълим-тарбиянинг муҳим ва мураккаб масалаларини ҳал этиш ишида *иккиланиш*, тактнинг ўзига хос талабларидан *четга чиқиш* ҳоллари кўзга

<sup>1</sup> Лордкипанидзе Д. О. Принципы, организация и методы обучения. Тбилиси, 1955, 188-бет.

ташланади. Ўқитувчида аста-секинлик билан ўқувчи-га мурожаат этиш, ўз педагогик маҳоратига суянган ҳолда психологик жиҳатдан эркин муомалага ўтиш тажрибаси орта боради.

Педагогик такт ривожланишининг *иккинчи босқичида* интеллектуал малаканинг бирмунча мужассам ҳолати юзага келади. Педагогик тафаккурнинг ўқитувчида ривожлана бориши ўқувчи шахсияти ва психологик ҳолатини тез тушунишида, ўқувчи хатти-ҳаракатини адолатли баҳолашида, тарбиявий таъсир этишнинг самарали йўллари тез топа олишида намоён бўлади.

Педагогик такт ривожланишининг *учинчи босқичида* ўқувчига мурожаат этиш ва ўқувчи билан алоқа ахлоқий одатга айланган, турғун кўринишда бўлади. Бу ўқитувчининг умумий маданияти, педагогик, психологик тайёргарлигининг юқори даражада ривожланиши билан фарқланади. Бу эса ўқитувчида изланувчанликнинг кучайиши, ўқув-тарбия ишига ижодий ёндошишнинг тобора ривожлана бориши ҳамда ўқувчи билан бўлган муомала санъатининг ривожланган ҳолати билан характерланади. Ўқитувчининг ўқувчилар диққатини талаблар даражасида ўзига жалб этиш учун фойдаланган восита усуллари тўғри педагогик такт учун шароитлар яратади.

Бу хил восита, усуллар қуйидаги кўринишда бўлади:

1) ушлаб турган қалам, ручка дафтар ёки китобни столга теккизади. Бўрни синф доскасига теккизади — овоз чиқаради;

2) сўзлаётганида бирдан тўхтаб, ўқувчининг диққатини ўзига тортади;

3) бир меъёрда гапира туриб, бирдан овозини пасайтиради ёки баландлатади;

4) юз, қўл, гавда ҳаракати билан ўқувчи диққатини тортишга ҳаракат қилади.

Бу воситалар: а) ўқувчи қизиқишининг ошишига; б) синфда ёки айрим ўқувчида қувончли кайфиятнинг майдонга келишига; в) ўқувчида ўтилаётган темани эслаб қолишга ёрдам берувчи ҳис-туйғуларнинг туғилишига; г) ўқувчини зериктирмасликка имконият яратади.

Психологик такт ўқитувчилик касбининг асосини ва педагогик тактнинг шаклланишини белгиловчи, таълим-тарбиянинг самарадорлигини таъминловчи омилдир. Масалан, педагогик тактнинг бадиий кўриниши ҳам мавжудки, тил ва адабиёт ўқитувчиларидан уни мукаммал билиш талаб этилади. Чунки дарс таҳлилида бадиий



Асар қаҳрамонлари нутқи ҳамда ёзувчи, шоир мақсадини белгиловчи бадиий деталларнинг тўғри ифодаланишига эътибор берилади, ўқитувчининг ўқувчига ва ўқувчининг ўқитувчига мурожаати каби кўринишдаги алоқалар ҳам психологик таҳлилда ёритилади. Бу хилдаги дарс таҳлили учун зарур белгилар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ўқитувчи тактининг психологик асосларини /ўқитувчининг педагогик маҳорати, умумий маданий кўриниши, ички дунёси, педагогик тайёргарлиги, ташқи қиёфасининг кўриниши, фаолиятга муносабатининг онглилик даражаси, характерининг эркин-эмоционал ҳолати/ аниқлаш билан педагогик тактнинг такомиллашишига ҳисса қўшиш.

2. Ўқувчи шахсида яхши хусусиятнинг тарбияланишини, яхши фазилатларни эгаллашда ўқувчига кўрсатилган таъсири /меҳнатсеварлик, мустақил фикрлаш, ўқишга ва меҳнатга нисбатан қизиқиш, ўз ўртоқлари, яқин кишилари, синфдошлари, катталар билан яхши муомалада бўлиш каби фазилатларни тарбиялаш/ аниқлаш.

*Педагогик* такт ҳар бир ўқитувчида алоҳида кўринишда бўлиши мумкин. Масалан 7-синфда турли предметлардан 15 га яқин ўқитувчи дарс беради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос педагогик такт қўллайди. Бир хил тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар билан педагогик, психологик жиҳатдан тўғри фикр алмашсалар, иккинчи бир хил ўқитувчилар ўқувчилар билан қўпол муомалада бўлишлари, қуруқ панд-насиҳат билан фикр алмашишлари мумкин.

Учинчи бир хил ўқитувчилар эса ўқувчилар билан фақат иш юзасидан гаплашиб, ўқувчининг ички психологик дунёсини билиб олишга йўл ахтармайдилар. Жуда кўп ҳолларда ўқитувчининг: «Овоз чиқармай ўтиринглар», «Қўл кўтаринг!», «Бошқа ёққа қараманг», «Гаплашмай ўтиринг» каби эътирози эшитилади. Педагогик такт қуйидаги қурилишини дарс таҳлил этувчилар диққатига ҳавола этишни мақсадга мувофиқ деб билдик:

1. Ўқитувчининг ўқувчилар билан педагогик жиҳатдан такомиллашган ҳолдаги алоқаси ва ўқувчиларга кўрсатган таъсири.

2. Педагогик тактнинг коллектив ҳолда кўринишдаги мужассамлиги /ота-оналар ва ўқитувчилар билан алоқаси/.

3. Ўқувчининг шахси, унинг ривожланиш босқичлари,

болалик ёки ўсмирлик даврдаги ҳаракатининг ўзгарishi шини ҳисобга олган ҳолда талабчанликни кучайтириш, ўқувчини оқилона ҳурмат қилиш.

4. Ўқувчи фаолияти /ишонч билдирилган ҳолда/ ва ўқув машғулоти устидан педагогик назорат.

5. Дарс жараёнида ўқувчига /ўқувчининг иродаси ва мустақил ишлаш даражаси ҳисобга олинган ҳолда/ оқилона кўмаклашиш.

6. Ўқитувчи билан ўқувчининг дарсдаги содда, табиий муносабатлари, ёқимли ва ўзаро ҳурмат кўринишидаги фикр алмашувлари.

7. Сўзлашувчиларнинг гап оҳанги /ёқимли, илтимос маъносиде ёки киноя, кесатиқ, пичинг каби нопедагогик кўринишда бўлиши/.

8. Ўқитувчининг майда икир-чикирларга ортиқ даражада эътибор бериб, ўқувчини ранжитмаслиги.

Юқорида баён этилган педагогик тактга алоқадор психологик қурилишининг қисмлари бир-бирига қийёсланса ва шу асосда хулоса чиқарилса, у ҳолда психологик таҳлилнинг қиммати янада ошади.

**Ўқувчи хотираси ва унинг таҳлили** дарсни таҳлил этишда эслаб қолиш, сезги органларининг иштирок этиш кўламини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Дарсда ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг *сезги органлари* қанча кўп иштирок этса, ўқитувчининг меҳнати, дарси шунча ижобий баҳоланади. Чунки бу хил дарсда эслаб қолиш фаолияти енгиллашади.

Ўқувчининг эсда сақлаб қолиш ақлий фаолиятининг ўқитувчи томонидан ҳисобга олинганлигини ёки олинмаганлигини ўрганишда қуйидагилар эътиборга олинади:

1. Дарсда сезги органларининг иштироки.

2. Ўтилаётган теманинг эмоционаллиги, диққатнинг жалб этилиши.

3. Темани билишга нисбатан ўқувчидаги иштиёқ, интилиш /ирода/ ҳолатининг ортиб бориши.

4. Ўқитувчи томонидан темани такрорлашнинг актив ёки пассивлиги.

5. Ўқитувчи тавсия этган турли ёрдамчи усулларнинг /ўқитувчи баёини ёзиб бориш, китобдан кўчирганлардан ёд олиш, конспект олиш, схемалар тузиш ва бошқалар/ мақсадга мувофиқлиги.

6. Ўқувчининг ўзига хос хотира фаолиятини /тез эслаб, тез унутиши; тез эслаб, аста-секин унутиши; аста-секин эслаб, аста-секин унутишини/ ҳисобга олиш.

Хотирани таҳлил этишда психология фанлари доктори, профессор М. Г. Давлетшиннинг ўтказган қатор психологик таҳлиллари ва унинг хулосалари дарс таҳлил этувчилар учун қимматли материалдир.

Кузатиш ишлари олиб борган мактабларимиздан бирида ўқитувчи дарс бера туриб, эслаб қолиш юзасидан ҳеч қандай йўл-йўриқ бермасдан, бадий асардан парча ўқиб эшиттириш ва дарснинг ўзидаёқ ҳалиги парча ҳақида баён ёзишни таклиф қилди. Барча ўқувчилар ўқитувчига: «Ўзингиз эслаб қолиш кераклигини айтмадингиз-ку? Шунчаки ўқиб бераяпсиз, деб ўйлаган эдик», дейишди. Ўқитувчи бошқа синфда бадий асардан парча ўқиб беришдан олдин ўқувчиларга қарата дейди:

«Ҳозир сизларга бадий асардан парча ўқиб берман, сиз уни диққат билан эшитинг. Парчанинг мазмунини сўрайман. Уни эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилинглр. Бугунги дарсда ана шу парча юзасидан баён ёзасизлар».

Ўқитувчи парчани ўқиди. Ўқувчилар диққат билан тингладилар. Сўнгра баёни ёздилар. Ўқитувчи икки ҳафтадан сўнг парча мазмунини оғзаки сўради, парчанинг 53,5 проценти ўқувчилар хотирасида сақлангани маълум бўлди.

Мисолдан кўришиб турибдики, демак, ўқитувчи томонида ўқувчилар хотира кучининг ҳисобга олинishi жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли дарс таҳлили жараёнида бу масалага аҳамият бериш ва ўқитувчидан ўқувчи хотирасини мунтазам тарбиялаб бориш талаб қилинади. Ўқитувчининг хотира кучи ва унинг дарс самардорлигига таъсири ҳам кенг кўламда таҳлил қилинади.

Психологик таҳлилда кузатиш катта аҳамиятга эга. Дарсни таҳлил этувчи «... ўқувчи фикрлашининг берилишини фақат ташқи кўрсаткичлар бўйича, яъни унинг нутқий фаолиятига /савол ва жавобларни ифодалаши/ ва эмоционал ҳолатига /саросима ёки ташвишга тушиши, чуқур ўйга ботиши, ёки ҳайратланиши, завқланишига/ қараб кузатиши мумкин, холос»<sup>1</sup>.

Дарсда ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти синчковлик би-

---

<sup>1</sup> Давлетшин М. Г. Таълимнинг психологик асослари. Т., «Ўқитувчи», 1978, 10-бет.

лан кузатилади. Бунда қуйидагиларга аҳамият берилди:

1. Синф доскасининг тозалигига, доска арткич латта, бўрнинг мавжудлигига, доскада сўз ва гапларнинг ҳусниҳат асосида; ёзилишига, уларнинг орфографик, стилистик, пунктуацион, математик белгилар, ишоралар жиҳатдан бехатолигига, кўрсатмали қурол, техник воситаларнинг, синф жиҳозларининг сифати ва уларнинг дарс талабига жавоб беришига.

2. Ўқитувчининг ташқи кўриниши, юриш-туриши, гавда, қўл ва оёқ ҳаракатларига, кўринишидаги жиддийлик ва табассум, нутқидаги самимийлик, равонлик, бадийлик ва илмийликнинг таъсир кучига.

3. Стол, парталарнинг талабга мослигига, уларнинг озода ва саранжом-саришталигига, дарслик ва турли ўқув қуролларининг сақланиш ҳолатига ва дарс жараёнига, ўқитувчининг ўқувчилар диққати, хотираси, жавобига эътибор беришига.

4. Ойна, дераза, стол, стул, эшик, синф полининг тозалигига, уларнинг санитария, гигиена ҳамда дарс талабларига жавоб беришига, ўқувчиларнинг хулқига.

5. Ўқувчиларнинг кийиниши, тозалиги, ўринларида ўтириши ва туришларидаги самимийлик ва тартибга, уларда комсомол значоги, пионер галстуги ва октябрий значоги борлигига, давоматга, парта, стол, стул ҳамда ўқув асбобларига муносабатларига.

Дарсда ўқувчиларнинг ўзаро ва ўқитувчига муносабатлари ва бу муносабатларнинг дарсга, таълим ва тарбияга таъсири ҳам кузатилади ва қуйидаги «Ўқувчиларни кузатиш графиги» тўлғазилади.

#### *График*

1. Дарсга кеч келган ўқувчилар сони.
2. Китоб, дафтар йўқ ёки уйда қолдирган ўқувчилар сони.
3. Ручка, қалами йўқ ёки унутиб қолдирган ўқувчилар сони.
4. Синфдош ўртоқлари билан сўзлашиб ўтирган ўқувчилар сони.
5. Ҳар томонга қараб ўтирган ўқувчилар сони.
6. Тўсатдан кулиб юборган ёки сўзлаб юборган ўқувчилар сони.
7. Синфда ўқитувчининг топшириғини бажармаган ўқувчилар сони.
8. Ўқитувчининг сўзига эътиборсизлик билан ўтирган ўқувчилар сони.
9. Касал ўқувчилар сони.
10. Дарс жараёнида бошқа ишлар билан шугулланиб ўтирган ўқувчилар сони.

Дарс таҳлили вақтида ўқитувчи билан биргаликда «Дарсда ўқувчиларни кузатиш» графигидаги рақамлар шарҳланади, сабаблар аниқланади.

6. Ўқитувчининг ўқувчига савол беришидаги, ўқувчи жавобини тинглаш ҳамда баҳолашдаги ҳаракатларининг самимийлиги ва унинг дарс самарадорлигига кўрсатган таъсирига.

7. Жавоб беришда ўқувчининг ўзини тутишига, билимга бўлган қизиқиши, иш қуролларига бўлган муносабатига, доска, бўр, дарслик, конспект кабилардан фойдалана билишига.

Методик изланишлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, психологик таҳлил маркча-ленинча диалектик методларга асосланганлиги билан ҳам мураккабдир. Унинг мураккаблиги яна шундаки, у ўқувчи шахс фаолиятини ўрганаяди, таҳлил қилади.

Дарснинг психологик хусусияти таҳлил чоғида ўқитувчининг *ўқувчи хотираси, қобилияти, идроки, диққати* кабиларга эътибор беришини шарҳлашда намоён бўлади. Чунки психологик таҳлил этувчи шахс дарс жараёнида синчковлик билан дарсдаги барча ҳолатни кузатади. У ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ва ўқувчи диққатини жалб этувчи восита, турли усулларнинг таъсир доирасини чуқур ўрганаяди. Маълумки, кўрсатма бериш деганда, биз билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум усулда қондириш деб тушунамиз<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам дарс таҳлил этувчи дарсга киришдан олдин психологик, педагогик адабиётлар, илғор тажриба ва илғор педагогик фикрларни ўрганиб чиқиши муҳимдир.

Кузатилган дарс хоҳ оғзаки таҳлил этилган бўлсин, хоҳ суҳбат йўли билан бўлсин, бу ишда таҳлил этувчининг психология фани янгиликлари ва назарий билимлардан хабардор бўлиши катта роль ўйнайди.

### 3. Методик таҳлил

«Дарс бериш, санъатдир. Бу санъатни эгалламоқ учун бир қанча усулларнинг қўлланилиш йўлларини ўрганиб олиш лозим, бошқача қилиб айтганда, дарс бериш методикасини билиш керак»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Коллектив. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1975, 121-бет.

<sup>2</sup> Крупская Н. К. Таъланган педагогик асарлар. Т., «Ўқитувчи», 1974, 325-бет.

Профессор Мирза Исмоилович Махмутов методика назариясининг ривожланишини уч босқичга бўлади, методларнинг тўрт турини қайд этади /таълим методи, ўқитиш методи, ўқув методи, айрим предметлар методи/ ва ҳар бир методни кенг изоҳлайди<sup>1</sup>.

У шундай деб ёзади: «Методнинг асосий мазмуни — ундаги фаолият ғоясидир. Методнинг муҳим белгиси шундан иборатки, у ҳаминша ҳаракатдаги шахсга тегишлидир, чунки субъектсиз ҳамда субъектнинг муайян ҳаракати билан боғлиқ бўлган методсиз фаолият бўлиши мумкин эмас»<sup>2</sup>.

Дарс методларининг турларини таҳлил этишда муҳим ҳисобланган методлардан айримларини қуйида келтирамиз.

1. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ташкилий формаларига кўра:

а/ ҳикоя методи /ўқитувчининг баён этиши кўринишида/;

б/ суҳбат методи.

2. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини енгиллатишга алоқадор манбалар асосида:

а/ радиоэшиттириш;

б/ дарслик билан ишлаш;

в/ кўрсатмали қурооллардан фойдаланиш /предметларни, ўқувчи атрофидаги муҳитни кузатиш, ҳар хил моделлар кўрсатиш/;

г/ магнитофон ва магнитофон ленталаридан фойдаланиш.

Таълим системасини методик жиҳатдан таҳлил этганда қуйидагилар айниқса аҳамиятлидир:

а/ таълимнинг мақсади;

б/ таълимнинг мазмуни;

в/ таълимни ташкил этишнинг формалари;

г/ таълим манбалари;

д/ таълим методларига ўқитувчининг эътибор бериши.

Таълимнинг вазифаси илмий методни аста-секин ўзлаштиришдан иборат. Метод танлашда эса илгор методни аниқлай олиш ва уни ўзлаштириш асосий масаладир, чунки таълим мазмунидаги метод ҳаётни англашнинг қалби ҳисобланади. Айрим фактлар эскириши мумкин,

<sup>1</sup> Қаранг: Махмутов М. И. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. Т., «Ўқитувчи» 1981, 106—113-бетлар.

<sup>2</sup> Уша асар. 113-бет.

декин метод эскирмайди, у тажрибалар асосида ривожланиб боради.

Айрим мактаб раҳбарлари, методист ва инспекторлар бир дарсда бир қанча метод ва методик усуллардан фойдаланаётган ўқитувчиларнинг дарслари ҳақида ижобий хулосалар бермоқдалар. Масалан, «Бир дарсда ўндан ортиқ усулдан фойдаланди», «Хилма-хил усуллардан фойдалангани учун ўз мақсадига тўла эришди» каби жумлалар «Дарс таҳлили дафтарлари»да кўзга ташланади.

Тадқиқот учун объект қилиб олинган 1099 «Дарс таҳлили дафтари»нинг 93 тасида дарсда қўлланилган методнинг синф учун, у ёки бу ўқув предметлари учун қанчалик фойдали бўлганлиги баён этилмаган ва шунингдек, ўқитувчининг дарс /методни нотўғри танланганлиги туфайли/ муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаблари қайд этилмаган. «Дарс таҳлили дафтари»га «Янги темани суҳбат методида тушунтирди», «Савол-жавоб методида қайтарилди», «Ўқувчилар мустақил ишларни яхши бажардилар» каби умумий гаплар ёзилаётганлиги аниқланди.

Маълумки, ҳар бир дарсда қўлланилган метод ўқувчи учун у ёки бу тушунчани билишга имкон яратибгина қолмасдан, балки мазкур тушунчаларни онгли ўзлаштиришнинг бирдан-бир манбаи ҳам бўлиши зарур.

Дарсда ўқувчиларнинг кузатишлари, ўтказган тажрибалари ва шахсий хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мактаб ўқув программалари ўқувчилардан кўпроқ мустақил иш бажаришни, ўқитувчидан эса билимларни асосан дарсда беришни талаб этади.

Ўқитувчилар дарсининг ҳар бири жонли мушоҳададан *абстракт тафаккурга*, ундан *практикага* қараб бориши ўқувчиларнинг темани онгли ўзлаштиришини таъминлайди. Шундагина ўқитувчи томонидан баён этилган ҳар бир сўзнинг *мутлақ ҳақиқат* эканлигини ўқувчи онгли равишдан тан олади.

Тушунча ва билимларнинг тажриба асосида берилиши кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароитга ҳам боғлиқ.

Мактаблардаги лаборатория ва фан кабинетлари замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган. Саккиз йиллик ва бошланғич мактабларнинг ўрта мактабларга биркитиб қўйилганлиги ўрта мактаблардаги мавжуд ўқув ашёларидан мукамал фойдаланиш имконини бермоқда.

Бинобарин, дарсларни методик жиҳатдан таҳлил

этишда, мактабдаги мавжуд имкониятларга эътиборни кучайтиришни давр талаб этмоқда.

Ўқитувчи саволига ўқувчининг берган жавоби чуқур таҳлил этилади. Айрим ҳолларда, айрим мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар таълимнинг илмий асосда бўлишига етарлича эътибор бермайдилар. Лаборатория, фан кабинетлари ва бошқа имкониятлар мавжуд бўла туриб, дарслар қуруқ ваъзхонлик билан ўтказилади. Айрим ўқитувчилар дарсларда билимларни тажриба асосида ёки исботлаш йўли билан бермасдан, озгаки тушунтириш билан чегараланадилар, натижада ўқувчилар материални ўзлаштиришда қийинчиликларга учрайдилар.

Баъзан қонда ва таърифлар картонга жимжимадор ҳолда ёзилиб, кўргазма сифатида дарсга олиб кирилади. Бундай кўргазмали қурооллар қондани ёдлаш учунгина фойда беради, аммо у тушунча ва билимларнинг реал ҳақиқат эканлигини ўқувчи онгида тўлиқ шаклланишига ёрдам бермайди.

Шу боисдан ҳам таҳлил этувчи дарс методининг қиммати белгилашда дарсда қўлланилган методларнинг қуйидаги талабларга жавоб беришини инобатга олиши керак:

- 1/ тушунтиришнинг содда ва раволиги;
- 2/ тушунтириш учун қулай, осон имкониятлардан фойдаланилиши;
- 3/ ўқувчи ақлий фаолиятини активлаштирувчи воситалардан тўла фойдаланилиши;
- 4/ дарслик материалнинг қўшимча материаллардан фойдаланилган ҳолда ўқувчи онгига етказилиши;
- 5/ ўқувчи эҳтиёжи ва талабининг ҳисобга олиниши;
- 6/ мустақил ишнинг ўқувчи ёши, қобилиятига мос ҳолда уюштирилиши.

Академик Николай Михайлович Верзилин шундай ёзган эди: «Ботаника дарсларидаги методларни таҳлил этишда дарс беришнинг асоси ҳисобланган ўқувчи билимининг онглигига асосий диққатни қаратмоқ керак. Ўқувчи бунга фақат актив, мустақил фикрлаши натижасидагина эриша олади»<sup>1</sup>.

Табиийки, бу кўрсатма барча фан методларини таҳлил этишга ҳам тааллуқлидир.

---

<sup>1</sup> Верзилин Н. М. Основы методики преподавания ботаники. Изд. АПН РСФСР М., 1955, 114-бет.



Дарс мақсади ва воситаларининг таҳлили, дарс таҳлиliga киришдан олдин ўқитувчининг конспекти, унда акс эттирилган дарснинг мақсади ва дарсда қўлланиладиган зарур воситалар билан мукамал танишишдир. Масалан, ўқитувчининг темани мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсади ва у мақсадни амалга ошириш учун қандай воситалардан, усуллардан фойдаланмоқчи эканлиги аниқланади.

Ўқитувчиларнинг дарсни мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда қўллайдиган усуллари тахминан, шулардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ўқувчиларни ўрганилаётган ҳодиса, воқеа ёки таърифни айнан ўзини такрорлай билишга ўргатиш ва шу йўл билан билимни мустаҳкамлаш.

2. Ўқувчининг шахсан ўзи ва бошқалар ҳаётдан, теварак-атрофдан мисол келтириш малакасини, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва мустаҳкамлаш, шу йўл билан билимни мустаҳкамлаш.

3. Берилган билимлар асосида грамматик машқлар, математик масала ва мисолларни ечиш, лаборатория ишларини туғри ва мукамал ҳал эта билишга эришиш.

4. Ўқувчиларда фанларни ўрганишда ишлаб чиқаришга қилинган экскурсиялардан олинган факт, тушунчалардан фойдаланиш кўникмасини ўстириш.

5. Ўқувчиларда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ўрганилган манбалар асосида ҳал қилиш, уларда масалани шу йўл билан ёритиш малакасини тараққий эттириш, мустаҳкамлаш.

Дарсда ўқитувчи қўллаган бу усуллар ва уларнинг самарадорлиги таҳлил вақтида қайд этилади.

Билимларни мустаҳкамлаш жараёнида таҳлил этилиши мутлақо зарур бўлган воситалар борки, улар қуйидагилардир:

1. Техника воситалари:

а) фақат проекция, соялар берувчи (эпидиаскоп, фильмаскоп);

б) проекция, соя ва овоз берувчи (телевизор, кинолента ва бошқалар);

в) фақат овоз берувчи (радио, магнитофон ва бошқалар);

г) доимий кўрсатмалли қурооллар (плакат, турли расмлар, жадвал ва бошқалар).

2. Вақтли кўрсатмалли қурооллар (ўқувчи дафтарига

қўйилган белгилар, доскада кўрсатилган турли ёзувлар ва бошқалар).

3. Дарслик материаллари (грамматик машқ, мисол ва математик масалалар, лаборатория ишлари ва бошқалар).

4. Завод-фабрика ишланмалари (гербарийлар, металл, ёғоч ускуналари ва бошқалар).

5. Экскурсия материаллари (тоғ жинслари, турли ўсимлик намуналари, барглари ва бошқалар).

Дарсни таҳлил этувчилар ўқитувчининг дарс жараёнида юқорида баён этилган воситаларнинг қайси туридан фойдаланганлигини, бу тадбирнинг билимларни мустаҳкамлашдаги самарасини ва фойдаланишда йўл қўйилган камчиликни тўла таҳлил этади ҳамда ўқитувчи билан мукамал суҳбатлашади.

**Методлар системасининг таҳлилида ўқитувчи дарсда бирон бир метод ёки методлар системасини қўллайди. Маълумки, ўзбек мактабларида фақат савод ўргатиш даврининг ўзида етти хил метод қўлланилади:**

1. Ҳарф қўшиш методи.
2. Бўғин талаффузи методи.
3. Бутун сўз методи.
4. Товуш методи.
5. Синтетик товуш методи.
6. Аналитик товуш методи.
7. Аналитик-синтетик товуш методи.

Масалан, 1930 йилларга қадар ўзбек совет мактабида болалар «Синтетик товуш методи»да, 1931—1937 йилларда «Бутун сўз методи»да, 1938 йилдан бошлаб эса «Аналитик-синтетик метод»да савод чиқарган<sup>1</sup>.

Дидактик мақсад	Таълим материалли ва методи	Билимнинг материалли ва методи
Янги билимни ўзлаштириш	Амалий текстларни ўқиб чиқишга доир тавсиялар, ҳикоя, лекция, суҳбат ва мунозара	Янги темага тайёргарлик доирасида айрим текстларни ўқиб чиқиш  Тинглаш ва тушуниш; тушуштириб беришни талаб этувчи саволлар қўйиш

<sup>1</sup> Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в Узбекской школе. Т., «Ўқитувчи», 1966. 160—161-бетлар.

Иزلаниш

Уқувчилар экспериментини ташкил этиш (айрим адабиётларни тавсия этиш, лаборатория ишлари, тушунтириш); проблематик топшириқлар

Билимларни мустақамлаш

Ўзлаштирилганларни саволлар ёрдамида мустақамлаш ва текшириш (проблемали топшириқларни, машқларни, уй вазифаларни, мунозараларни қайтариш, ўтилган материалларни система-лаштириш)

Кўникма ҳосил қилиш

Ақлий малака ва кўникмани ривожлантириш машқларини ташкил этиш Қобилият ва малакаларни такомиллантириш учун машқлар ташкил этиш

Амалий малакани ҳосил этиш мақсадидаги машқларни ташкил этиш (инструктаж ва кўрсатиш, назорат этиш каби)

Билимларни амалиётга тадбиқ этиш

Проблемали ҳолатни майдонга келтириш (уй вазифасини текшириш, маълум амалий топшириқни олиш).

Билим ва малакаларни текшириш

Оғзаки текшириш, ёзма текшириш, имтиҳон, хатоларни таҳлил этиш ва унинг сабабини аниқлаш

Кузатиш, фактлар тўплаш, фактларни классификациялаш, умумлаштириш. Материални ўқини жарёнида ўзлаштириш, проблемани ечиш

Дарслик билан ишлаш (турли ёзувлар, махсус дафтарлар юритиш, назарий билимларни изчил қайтариб-бориш). Амалий машқларни изчил ўтказиш, керакли техник жиҳозлар билан ишлаш

Бир қанча вариантли масалаларни ечиш машқлари

Аниқ кўринишдаги вазифани бажариш юзасидан тайёргарлик машқлари

Амалий топшириқларни бажаришга қаратилган машқлар  
Кузатиш

Амалий вазифа ва ҳолатни таҳлил этиш

Ўз билимининг ўзи текшириш; ўз малакасининг ўзи текшириш; шахсий хатосини таҳлил этиш; хатоларнинг такрорланмаслиги учун тадбирлар ўйлаш

Маълумки, методлар *умумий* ёки *хусусий* бўлади. Умумий методлар, уларнинг таҳлили ва улар ҳақидаги ёзувларга мансуб фикр умумий методикада талқин этилади. Булар лекция, тушунтириш, ҳикоя ва ёзма ишлар, мунозара ва суҳбат, дарслик ва мустақил ўқишга тавсия этилган адабиётлар асосидаги мустақил ишлар, тажриба сифатида ўтказилган лаборатория ишлари, намоийиш ва кўрсатма, машқ, амалий машғулот методлари ва проблемали таълим методларидан иборатдир.

Профессор Т. Новацкий бу каби методларни содда

ва комплекс методларга бўлади. У содда методларга ҳақ, қоя, тушунтириш, лекция, суҳбат, ёзма ишлар, мунозара ва кўрсатмалиликка оид группа методларини киритади. Унинг фикрича, юқоридаги методлар дарсда бир хил ва зифани ўтайди. Адабиётлар асосидаги мустақил ишлар методи фақат ўқишни назарда тутмай, балки план тузиш, конспект тузиш, китоб ўқиш жараёнида туғилган янги-янги вазифаларни бажариш, расмлар чизиш каби ишларни ҳам назарда тутати. У тажриба ўтказишга, турли машқларга ва проблематик таълимга оид умумий методларни комплекс методлар группасига киритиш мумкин, деган фикрни олға суради<sup>1</sup>.

«Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мураккаб ўзаро ҳамкорлигини,— дейди профессор М. И. Махмутов,— яхлит системадан иборат бўлган методларнинг муайян турлари билан характерлаш мумкин. Бу системада биз умумий методлар группасини (таълим процессини ташкил этиш қоидалари йиғиндиси) ҳамда жуфт методлар группасини (ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўқувбилиш фаолиятларини ва бу фаолият қоидаларини бошқариш усулларини) фарқлаймиз»<sup>2</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган методлар самарасини аниқлашда қўйидагиларга эътибор берилади:

1. Танланган методнинг дарсда қўйилган мақсад ва тема мазмунига мослигини аниқлаш.

2. Қўлланган методнинг ўқитилаётган фан хусусиятига хослигини аниқлаш.

3. Методнинг синф коллективи ёки группа ўқувчиларининг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда танланганлигини аниқлаш.

4. Қўлланган методнинг ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ечиш учун қанчалик хизмат қилганини аниқлаш.

5. Дарс ёки ўрганилиши зарур бўлган тема учун ажратилган вақтнинг тўғрилигини аниқлаш.

6. Методнинг дидактик талаблари ва мавжуд шароит асосида танланганини аниқлаш.

---

<sup>1</sup> Новацкий Т. Основы дидактики профессионального обучения. М., «Высшая школа», 1979, 172-бет.

<sup>2</sup> Махмутов М. И. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. Т., «Ўқитувчи», 1981, 111—112-бетлар.

#### 4. Дидактик таҳлил

Дидактик таҳлил таълим турларининг самарадорлигини ва самарадорликни белгиловчи қонунларнинг дарсда қанчалик тўғри ва мукамал бажарилганлигини таҳлил этиш демакдир.

«Дидактиканинг вазифаси, таълим назарияси сифатида таълимнинг аниқ жараёнини ўрганишда ўқувчилар фаолиятидаги қийинчиликларни очиб ташлашдан, бу қийинчиликларнинг туғилишига алоқадор шароитларни белгилашдан, шу қийинчиликларни ўқувчиларнинг мустақил бартараф этишига доир усулларни топишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Бир синфда, бир хил шароитда ўқиётган ўқувчиларнинг программа материалларини қабул қилиши ҳар хил бўлиши мумкин. Ўқувчининг билимларни қабул қилиши уларнинг қобилиятига боғлиқ. Бинобарин, дарсда барча ўқувчиларга бир хил муносабатда бўлиш мумкин эмас. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг қобилиятини тўла ҳисобга олган ўқитувчи доимо муваффақият қозонади.

Ўқитувчининг дидактик вазифани амалга ошириш жараёни—субъект ва объект ўртасидаги ўзаро жараёндир. Дарс таҳлил этувчи мазкур ҳолатни мукамал таҳлил этиш билан ўқитувчи фаолиятини баҳолайди.

Ўқитувчи маълум темани ўтиш жараёнида конфликтли вазиятлар—зиддиятларни ёритиб, дарсни билишга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Хулосалашда ушбу зиддиятни уқдириб ўтиш ўқувчиларда фанга, масалани билиб олишга қизиқишни кучайтиради. Афсуски, айрим ўқитувчилар бу масалага етарли аҳамият бермайдилар. Масалан, бир ўқитувчи табиатшунослик дарсида «Ҳавонинг ҳам вазни бор» темасини ўтар экан, темага оид фактларни қайд этиб, қуйидагича хулоса чиқарди: «Ҳавонинг ҳам табиатдаги бошқа қисмлар каби ўз оғирлиги бор. Бир кубометр ҳавонинг оғирлиги 1 килограмм, 293 грамм».

Ўқувчилар ўқитувчи чиқарган хулосани бир неча бор такрорладилар, уни ёдлаб олдилар. Ўқитувчи сўраганда ўқувчилар ёдлаганларини навбатдаги дарс темасида такрорладилар. Табиийки, бу дарсда ўқувчиларнинг актив-

<sup>1</sup> Данилов М. А. Процесс обучения в советской школе. М., 1960, 30-бет.

лиги, мустақил фикрлаши сезилмади. Бошқа бир ўқитувчи «Ҳавонинг ҳам вазни бор» темасини қуйидаги мазмунда тушунтирди:

«Илгари кишилар ҳавонинг огирлиги йўқ, деб ҳисоблаганлар. Агар қўлимизга китоб, дафтар ёки пиёла оласак, уларнинг огирлигини ўша ондаёқ сезамиз. Лекин ҳавони-чи?»

Ҳавонинг вазни борлигини аниқлаш учун жўмракли металл шарни ичидаги ҳавоси билан ўлчасак, сўнгра насос ёрдамида шар ичидаги ҳавони тортиб олиб ўлчасак, ҳавосиз шар анча енгиллашиб қолганини кўрамиз».

Сўнгра, ўқитувчи юқоридаги мазмунда берган маълумотини амалий тажрибада ўқувчиларга кўрсатди: ичига ҳаво тўлдирилган катта колбани ўқувчилар кўзи олдида тарозда тортиди. Кейин, колба огзидаги пробкани ва колбани спирт лампасида эҳтиётлик билан қиздирди. Қолба ичидаги ҳавони чиқариб юборгандан кейин, колба огзини яна пробка билан маҳкамлади. Кейин у ўқувчиларга шундай савол билан мурожаат этди:

— Колбалардан қай бирининг вазни огир?

Ўқувчилар ақлий мушоҳада юрита бошладилар ва улардан бири жавоб берди:

— қиздирилган колба биринчи колбага нисбатан енгил.

Колбалар тортилди. Ўқувчининг жавоби тўғри чиқди. Шундан кейин ўқитувчи тема материални якунлади ва шундай хулоса чиқарди:

*«Демак, ҳаво ҳам табиатнинг бошқа жисмлари каби ўз вазнига эга экан».*

Ўқув материаллари юқоридаги тарзда ўрганилса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг активлиги ошади, фикрлаш қобилияти ривожланади.

Ўқувчиларнинг дарсда билим ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни ўқитувчининг таълим усулларидан тўғри фойдаланишигагина эмас, балки берилаётган билимларни идрок қилишлари ва билимларни эгаллашга психологик жиҳатдан тайёрликларига ҳам боғлиқдир. Ўқувчилар томонидан тушуниб ўзлаштирилган материалларгина уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши психологик тадқиқотларда исбот этилган. Шунинг учун дарсни таҳлил этувчидан фақат ўқитувчигагина эмас, балки ўқувчилар диққатига ҳам алоҳида эътибор берилш талаб этилади.

Дидактик таҳлилда қуйидагиларга эътибор берилари:

а) ўқитувчи баёнининг синф коллективига тўла тушунарли бўлиши ва ўқувчиларнинг ўзлаштириши;

б) фикрнинг ғоявий жиҳатдан коммунистик тарбия талабига мос бўлиши;

в) ўқувчиларнинг фикр юритишдаги изчиллик даражаси;

г) кўрсатма ва техник воситаларнинг мавжудлиги;

д) экскурсия, тажриба, лаборатория ишларининг мақсадга тўғри йўналтирилиши;

е) дарслик билан ишлашнинг уюштирилиши;

ё) мисолларнинг таълим-тарбия бирлигида бўлиши.

Бу таҳлилда ўқитувчининг дарс ўтишига, ўқувчиларнинг билимни ўзлаштириш қобилиятига ҳам аҳамият берилади.

Рақамлар ва дидактик таҳлилда дарслар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўрсатувчи рақамлар — кўрсаткичлар асосида ҳам баҳоланади. Масалан, ўзбек тили ва ўзбек адабиёти бўйича VII «А» синфда ўтказилган контрол диктантни 32 ўқувчидан 18 нафари «4»— «5» баҳога ёзган, VII «Б» синфда эса мазкур текст асосида контрол диктант ўтказилганда 32 ўқувчининг 11 нафари «4», «5» баҳога ёзди.

Ҳар икки синфда ҳам дарсларни бир ўқитувчи ўтган.

Синф ўқувчилар коллективда 4, 5, 6, 7-синфларда ва ўқув йили давомида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган, бошқа мактабга, бошқа синфга кетган ўқувчилар ҳам бўлмаган, шунингдек, бошқа синфдан келиб қўшилган ўқувчилар ҳам бўлмаган. Мазкур синф ўқувчиларини I—II синфларда бир хил тайёргарлик ва 13 йиллик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчи ўқитган.

Дарс таҳлил этувчи бундай шарт-шаронтни тўла ўрганиб, шундай тўғри хулосага келган:

7 «А» синфдаги ўқувчилар 7 «Б» синф ўқувчиларига нисбатан 4,5,6-синфларда ўзбек тилини пухта ўзлаштирганлар.

Демак, рақамларни ўрганиш — қиёслаш бир синфда ёки бир неча синфда ўтказилиши мумкин ва у дидактик таҳлил хулосаларига аниқлик киритади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги онглилигини таҳлил этиш энг мураккаб жараён эканлигини ўтказилган тадқиқотларимиз ҳам исботлади.

Дарсда ва амалий ишларда далаларга кўчатлар ўт-

қазиш, гербарий тўплаш, расм чизиш, турли хил материаллардан ўйинчоқлар ясаш ўқувчиларнинг кузатишган объектларни тўғри ва тўлиқ идрок этишлари, кўрган ва билганларини онгли ўзлаштиришлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Аниқ бир мақсадга кўра ўтказиладиган кузатишлар пайтида ўқувчилар онгида ўзгартириш вужудга келади. Бу ўзгартириш предметни идрок этиш имкониятини яратади ва кузатиш жараёнини активлаштиради. Кузатишнинг активлиги эса унинг самарали бўлишини таъминлайди. Бунда ўқувчиларни ўзлари кўрган ва кузатишган нарсаларини сўзлаб беришлари тўғрисида огоҳлаштириш гоёт фойдалидир. Таниқли педагог С. В. Иванов дидактиканинг онглилик принципи мазмунини 1) таълимнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш; 2) маълум материални онгли ўзлаштириш; 3) тушунчани актив маълумотга айлантириш; 4) малакаларни онгли эгаллаш; 5) билим, малака, кўникмаларни онгли ҳолда мустақкамлаш; 6) уларни тажрибага онгли татбиқ этиш; 7) ўз ишини якунлашни билиш каби бир-бирига яқин бўлган етти кўринишда талқин этади<sup>1</sup>.

Ана шу дидактик принципдан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, ўзлаштиришнинг онглилиги масаласи таҳлил этилганда онгли ўзлаштиришнинг қуйидаги шартларига амал қилинади:

а) баён этилган материалларнинг ўқувчилар «ҳазм қила оладиган» даражада бўлишига;

б) янги материалнинг аввал ўрганилган материал билан узвий боғлиқлигига;

в) ҳар бир тушунчанинг ўқитувчи томонидан қисқа ва тушунарли изоҳланишига;

г) мисолларнинг аниқ ва ҳаётий бўлиши, дарсда ўқувчиларнинг ўзлари топган масалалардан ҳам дарс жараёнида фойдаланишига;

д) хилма-хил машқлар (огзаки ва ёзма) ўтказишда ўқувчиларнинг актив иштирок этишига;

е) дарснинг маълум бир системада олиб борилишига;

ж) турли кўргазмали қуроллардан фойдаланишига;

з) нутқ маданиятини синфда тўла жорий этилиши ва бошқаларга.

Ўқувчининг билимини самарали ўзлаштиришда ўқитувчининг дарс ўтиш жараёнидаги ҳаракати маълум да-

---

<sup>1</sup> Иванов С. В. О сознательности в обучении. «Советская педагогика», 1947, №10.



Ҷазада ўз таъсир кучига эга. Ҳаракатнинг таъсирчанлигини ошириш учун эса дарсда қўлни эҳтиёткорлик билан ҳаракат эттириш, эҳтиёткорлик билан имо-ишора қилиш, кўз қирини ташлаш, синф хонаси бўйлаб осойишта юриш керак. Чунки ўқитувчининг ҳар бир ташқи ҳаракати, имо-ишораси ўқувчининг кўзига яққол ташланиб турадиган ёрқин ҳолатдир. Шу туфайли дарс таҳлил этувчи ўқитувчининг ҳар бир ташқи ҳаракатини ҳам эътибор билан кузатади.

**Ўқитувчининг вақтдан тўғри фойдалана билиши ҳам таълимда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир минут ўқувчи учун қанчалик қимматли бўлса, ўқитувчи учун ҳам шунчалик қимматли ва ундан оқилона фойдаланиш зарур.** Дейлик, VII синфда физика дарси. Синфда 40 та ўқувчи бор. Уларнинг умумий иш вақти 45 минут. Барча ўқувчиларнинг иш вақти эса  $x \cdot 40 = 1800$  минутга тенг.

Дейлик, дарс 1 минут кечикиб бошланди. Бу ҳар бир ўқувчига 1 минутдан бўлса,  $x \cdot 40 = 40$  минут демакдир. Парталараро айланиб уй вазифасини таскирлаш учун икки минут ўрнига ўқитувчи 5 минут сарфласа, ҳар бир ўқувчига уч минутдан сарфлаб,  $(3 \text{ мин. } x \cdot 40 = 120 \text{ ўқувчи минут})$  120 мин. йўқотган бўлади.

Шунга эришмоқ керакки, дарсда ҳар бир минутдан ўринли фойдаланиш ўқитувчигагина боғлиқ бўлмасдан, синфдаги барча ўқувчиларнинг иш ритмининг тезлигига ҳам алоқадор бўлсин. Бу дидактик таҳлилда қуйидаги масалалар тўла эътиборга олинсин керак:

1. Дарснинг мақсади, дарс мақсадига доир план тuzилиши, берилган билимнинг амалий аҳамияти, унинг ўқувчилар онгига етказилиши.

2. Ўқувчида дарсга, материални билишга қизиқиш қўзғатиш мақсадида образларнинг ёрқин ва жозибали қилиб талқин этилиши.

3. Ўрганилаётган материалнинг содда ва аниқ бўлишини таъминлаш учун кўرғазмали қурол ва техник воситаларнинг ишлатилиши.

4. Бутун синф ўқувчиларини у ёки бу хил мустақил ишга жалб этиш даражаси.

5. Ўрганилган, ўрганилиши керак бўлган мазмунлар ёки дарс материалларининг умумий ва фарқ қиладиган томонларини ўқувчилар томонидан белгиланиши.

6. Ўқувчиларнинг таққослаш, қийослаш йўли билан «нима учун?», «нега?» каби саволларга жавоб беришларининг белгиланиши.

7. Урганилган билимларнинг жамиятда — ҳаётда қўлланиш рақ бўлишини тушунтирилиши.

8. Уқитувчининг вақт бирлигига эътибор бериши.

Дарсларнинг таҳлиллари ўртасида қатъий чегара бўлмайди. Шунинг учун ҳам дарсларнинг илмий-назарий, психологик, методик, дидактик, умумий педагогик таҳлили маълум даражада бир-бирига яқин таҳлил этилади. Биз қуйида ана шу таҳлиллардан энг сўнггисини алоҳида олиб кўрамиз.

### 5. Умумий педагогик таҳлил

**Умумий педагогик таҳлил дарсдаги ҳамма жиҳатларни қисқа ва содда формада таҳлил этиш демакдир.**

Дарсни умумпедагогик жиҳатдан таҳлил этганда асосан қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Уқувчиларнинг тартиб-қоидаларга муносабати.

2. Уқувчилар билан ўтказиладиган савол ва жавоблар.

3. Дарснинг жиҳозланиши.

4. Дарсда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиниши.

5. Дарс босқичларининг тўғри уюштирилиши, ҳар бир босқичда машгулотнинг тўғри уюштирилиши.

6. Уқитувчининг педагогик, психологик жиҳатдан намунали шахс даражасида бўлиши.

7. Уқувчи билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли бўлиши, изоҳланиши.

8. Тарқатма, кўрсатма ва техника воситаларининг сифати, улардан ўринли фойдаланиши.

9. Уқувчилар интизоми.

10. Ташқи муҳит ва ишлатишга шаронтнинг мақсадга мувофиқлиги.

11. Парталарнинг ўқувчилар ёши, гавдасига мослиги.

Дарсни умумий педагогик таҳлил этишда ўқитувчининг «Баҳо нормалари»га амал қилишига ва унга нисбатан муносабатига ҳам эътибор берилади.

Умумпедагогик таҳлилда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида бўлган савол ва жавобни таҳлил этиш талаб этилади.

Уқувчиларга берилаётган саволларни тўла таҳлил этиш мураккаб масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга бериладиган саволларнинг тури ва ўқувчиларнинг саволларга муносабати ҳам ўрганилади.

Дарсдаги савол ва жавобларни таҳлил қилишда тубандагиларга аҳамият берилади:

1. Ҳуқуқчиликнинг ҳуқуқчиликка берган саволларига.
2. Ҳуқуқчиликнинг ҳуқуқчиликка берган саволларига.
3. Ҳуқуқчиликнинг ўз ўртоғига дарсга доир берган саволларига.
4. Дарсликда берилган саволларга.
5. Ёзма равишда берилган ва техник воситалар орқали берилган саволларга.

Маълумки, инсоннинг ақлий тараққиёти даражаси у бажарган ақлий иши билан ўлчанади. Ақлий иш эса, кишида шаклланган билимлар системаси билан белгиланади. Бу ҳол савол ва жавобларда кўзга аниқ ташланади.

Шунинг учун ҳам савол ва жавоб таҳлилида ҳуқуқчиликнинг оғзаки жавоби билан боғлиқ ҳолда у бажарган иш ва ақлий ишига алоқадор турли фаолиятлари (конкретлаштириш, умумлаштириш, таққослаш, классификациялаш ва бошқа фаолиятлари) ҳисобга олинади.

Дарс фақат ўзгалар томонидан таҳлил этилмайди, балки ҳуқуқчиликнинг ўзи ҳам ўз дарсини ўзи таҳлил қилади.

Камчиликларни тугатиш ва ўз дарсини қайта қуриш чорасини кўрувчи ҳуқуқчилик ҳар бир дарсдан чиққач ўтказган дарс жараёнида бажарган ишлари ва қўллаган методларини эслашга ҳаракат этади ва ҳар бир дарс босқичида бажарган ишлари, қўллаган метод ва приёмларининг янада самаралироқ бўлиши учун нималарни қўшимча бажариш кераклиги ҳақида фикр юритиб, таҳлил қилади. Бу ўз дарсини фикран ўзи таҳлил этиш демакдир. Ўз дарсини ўзи таҳлил этиш мактабга илк бор қадам қўйган ёш ҳуқуқчиларда, айниқса, кучлидир. Ёш ҳуқуқчилик биринчи соат дарсига тайёргарлик кўрар экан, бошқаларнинг дарсларида кузатган ютуқларни эслайди ва уни қандай қилиб ўзи ташкил этадиган дарсга татиб қилиш тадбирларини белгилайди, ўзгаларнинг дарсида учраган нуқсонларнинг ўз дарсида бўлмаслиги учун ҳаракат қилади, синфда ўзини қандай тутиш, гапириш кераклиги ҳақида ўйлайди, у ўз дарсига кирган ҳуқуқчилик, мактаб раҳбарлари кўрсатган ютуқ ва камчиликларни эслайди, тажрибали ҳуқуқчилардан маслаҳатлар сўрайди, ўз дарсини ўзи фикран таҳлил этади. Ҳар бир дарсдан чиққач, қилиши лозим бўлган ишлар билан дарсда бажарган ишларини таққослайди ва шу йўсинда келгуси дарсга тайёргарлик кўради, дарс сифатини кўтаришга эришиб боради.

Ўз-ўзини англаш — ўз ҳаёти-ҳаракати, амалда қилган ишларини, ўй-фикр, орзу-истакларини билиш, тушуниш демакдир. Маълумки, касбни севиш, уни ардоқлаш ва касбга алоқадор ишларни мукамаллаштириш иштиёқи ўзи ўтказган дарснинг ютуқ-камчиликларини тўла таҳлил этиши истагини туғдиради. Бу *истак* эса аста-секин *заруриятга* айланади.

Ўқитувчи дарс жараёнида олиб борган ишларини таҳлил этиш натижасида *ўз ютуғи* ва *йўл қўйган камчилигини* ўзи англаб олади ва ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан режалар белгилайди, маълум қарорга келади, илғор тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларига ўз дарсларини таққослаш, илғор ўқитувчилар, мактаб ва маориф ходимлари билан фикр алмашиш вақтида баён этган фикрларини тасдиқлаш, уларни амалда қўллаш орқали ўз режаларини рўёбга чиқариб боради. Айрим ёш ўқитувчилар эса кўрсатилган камчиликларни тўғри деб топмайди, уларни бажара олиш мумкин эмас, деган хулосага келади. Бу ҳол кўпинча ўз дарсини ўзи фикран таҳлил этмаган ўқитувчиларда содир бўлади. Чунки улар дарс таҳлил этувчи шахснинг фикрига юзаки ҳолда, ўз имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда қўшилади ёки қайсарлик билан дарс таҳлил этувчи фикрига қарши чиқади. Ўтказилган бир қанча методик кузатишлар, илмий таҳлиллардан кейин биз ана шундай хулосага келдик.

Ўзи ўтган дарсни ўзи таҳлил этиш ҳам мураккаб жараён бўлиб, у таълим-тарбия сифатини яхшилайди, ўқитувчининг илғор тажрибаларни эгаллашида, уларни ҳаётга жорий этишида муҳим роль ўйнайди.

## Учинчи бўлим

### ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШ

Мактабда таълим-тарбия соҳасида муваффақият қозониш дарс таҳлилини планли ташкил этишга ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Мактабларда «Мактаб умумий плани»да «Ўқитувчилар дарсини кузатиш орқали амалий ёрдам бериш» деб кўрсатилади. Аммо кўпчилик ҳолларда ўқитувчи дарсини кузатиш иши раҳбарлараро тақсимланмайди. Натижада бир ўқитувчининг дарс жадвалида кўрсатилган би-

биринчи соат дарсига директор кирса, иккинчи соатдаги дарсига унинг ўринбосари киради, учинчи соат дарсга бошқа бирор раҳбар ходим киради. Бу ҳол табиийки ўқитувчи ва ўқувчи руҳига, ўқув-тарбия ишига салбий таъсир этади.

Педагог-олим В. А. Сухомлинский ўзининг узоқ йиллик тажрибаси асосида қуйидагиларни ёзган эди:

«Биз мактаб илмий бўлим мудирлари билан (ҳар бир педагогнинг дарсига йил давомида саккиздан 10—12 гача киришга улгурнш ҳисобида) ўқитувчиларнинг дарсига мунтазам, ҳафтасига 10—12 соатдан кам бўлмаган ҳисобда кириб, таҳлил этиб борамиз. Чунки дарс таҳлили ўқитувчи ва ўқувчи меҳнатига адолатли баҳо беришнинг энг қимматли кўринишларидандир.

Ҳар ҳафтада мактаб илмий бўлим мудирини билан иккимиз 2—3 соат ўқитувчиларнинг дарслари юзасидан суҳбат ўтказамиз»<sup>1</sup>.

Самарқанд область Қаттақўрғон район А. Беруний номли 18-ўрта мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари З. Турсунов ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатишларига алоҳида эътибор билан қарайди. Бу ишни маълум график асосида системали олиб боришга ҳаракат қилади. Мактабда ўқитувчилар учун ҳафтасига 1—2 соатдан дарс кузатиш имконияти яратилганлиги сабабли ўтган ўқув йилида ўзаро 600 соатдан ортиқ дарс кузатилди<sup>2</sup>. Шу боисдан ҳам олиб борган тадқиқий ишларимиз бир қатор хулосага келишимизга имкон берди:

а) махсус график ва план асосида дарсга кириш, ўқитувчи ўтадиган темадан яхши хабардор бўлган ҳолда дарсни таҳлил этиш тажрибали таҳлилчининг илғор тажрибаларини, педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради;

б) аниқ график ва план асосида дарс таҳлил этиш ўқитувчиларда мактаб раҳбарларига нисбатан ҳурмат ҳиссини, коллектив ўртасида аҳиллик, дўстлик туйғусини ўстиради, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, дарс ўтишда содир бўладиган камчиликларни ҳамжихатлик билан тугатиш имконини беради.

<sup>1</sup> Сухомлинский В. А. Павльшская средняя школа. М., «Просвещение», 1969, 80-бет.

<sup>2</sup> Мифтахов К. Г., Исматов М. Тажрибали педагог, моҳир раҳбар. Самарқанд, 1978, 8-бет.

## ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ ГРАФИГИ, ПЛАНИ

Ҳар бир ўқитувчининг ҳафтада ўрта ҳисоб билан 3 соатдан ўзаро дарс кузатишлари ҳисобга олинган ҳолда, «*Мактаб педагогика коллективининг ҳафталик ўзаро дарс кузатиш графиги*» тузилади ва у «*Ўқитувчилар хонаси*»да ҳамма учун кўринарли жойда сақланади. «*Мактаб педагогика коллективининг ўзаро дарс таҳлил этиш графиги*»да мактаб раҳбарлари — директор ва унинг ўринбосарларининг дарсларини таҳлил этиш ҳам кўрсатилади.

«*Мактаб раҳбарларининг дарсни таҳлил этиш графиги*» «*Ўқитувчилар хонаси*»га қўйилмайди, балки директор ва унинг ўринбосарларининг иш столи устидаги ойна остида сақланади.

«*Мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар дарсини таҳлил этиш графиги*»да дарси таҳлил этиладиган ўқитувчининг исми ва фамилияси ва дарсни таҳлил этувчилар — директор, илмий бўлим мудир, директорнинг мактабдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчи-ўринбосари, метод бирлашманинг раиси, илғор тажрибали ўқитувчи кўрсатилади, дарсни кузатиш-таҳлил этиш кунлари қайд этилади. Бу билан кимнинг дарси қайси кунда, ким томонидан таҳлил этилиши белгиланган бўлади.

Мактаб педагогика коллективининг «*Ҳафталик дарс таҳлил графиги*» олти иш кунига мўлжалланган бўлади. Унда таҳлил этиладиган ўқув предмети, дарс ўтиладиган синф, дарси таҳлил этадиган ўқитувчининг исми, фамилияси кўрсатилади.

Педагогик коллективнинг чораклик ёки ярим йиллик ўзаро дарс таҳлил этиш графигида 4 кўриниш яъни, тартиб номери, дарси таҳлил этиладиган ўқитувчининг исми ва фамилияси, дарс таҳлил этиладиган кунлар белгиланади.

Демак, синф шаронти, ўқувчи ва ўқитувчининг имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилган план ва графикда дарслар ўз мақсади, вазифаларига кўра таҳлил этилиб, системали олиб борилади ва барча ўқитувчиларнинг дарсларга кириш, уни таҳлил этиш ишини тенг миқдорда уюштиришга эришилади. Бироқ бунинг учун фақат дарсларни планли, махсус график асосида таҳлил этишнинг ўзи кифоя этмайди. Мактабда дарсни таҳлил этишнинг сифатли, самарали бўлиши тузилган план, графиклардаги кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам суратда назорат қилиб боришга боғлиқдир.

Мақтаб раҳбарлари (директор, унинг ўринбосарлари) ўзлари ўтказадиган (ўқитувчиларсиз) тор доирадаги йиғилишларида, шунингдек мактаб педагогика советларида, метод бирлашма йиғилишларида дарсни кузатиш графигининг бажарилиши, дарс таҳлилининг сифати масалаларини кўриб чиқадилар ва янги тадбирларни белгилайдилар. Маълумки, йиғилишларда мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бири, бу ўқитувчини огоҳлантириб ёки огоҳлантирмай дарсига кириш масаласидир. Табиийки, агар дарс таҳлил этувчининг мақсади ўқитувчининг ўз ишига бўлган муносабатини аниқлаш, назорат этиш бўлса, у ҳолда ўқитувчи огоҳлантирилмайди. Ўқитувчига методик ёрдам бериш, унинг иш системаси билан танишиш, илғор тажрибаларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилса, ўқитувчи олдиндан огоҳлантирилади. Мабодо ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилса, бу ҳолда ҳам ўқитувчи олдиндан огоҳлантириб қўйилади, ўқитувчи билан ҳамкорликда оғзаки жавоб олиш учун саволлар, ёзма ишлар учун контрол вариантлар тайёрланади.

Дарси кузатилаётган ўқитувчининг синфда ўзини эркин ҳис қилиши кўп жиҳатдан дарс кузатувчининг ўзини тутишига боғлиқдир. Шунга кўра, биз қуйида дарс таҳлил этувчи учун зарур бўлган айрим қоидаларни келтираемиз:

- а) дарс тугамай синфдан чиқмаслик;
- б) дарс жараёнида, иложи борича, ўриндан турмаслик;
- в) ўқитувчи, ўқувчи ёки бошқаларга ҳар хил имо-ишора қилмаслик;
- г) ўзгалар билан гаплашмаслик;
- д) аччиқланмаслик;
- е) ўзгалар саволига жавоб бермаслик;
- ё) ўқувчи ва ўқитувчидан дарслик, ўқув қуролларини сўрамаслик.

Юқоридаги қайд қилинган қоидаларга риоя этиши учун синф хонасида дарсни таҳлил этувчига маълум шароит яратилиши, яъни таҳлил этувчи учун дарс жараёнини тўла ёзиб олиш ва керакли маълумотларни ўқувчининг ўқитувчининг иштирокисиз, улар ишига халақит бермай ёзиб бориш имконияти бўлиши керак. Яхши шароит ўқитувчи билан дарс кузатувчи ўртасида бўладиган суҳбатнинг самимий, дўстона бўлишини таъминлайди.

Дарс таҳлил этган шахсларнинг аксарияти таҳлил этилган дарс юзасидан ижобий ёки салбий, шунингдек,

ҳам салбий, ҳам ижобий ҳулосага келиши мумкин. Шу бонсдан ҳам дарсни таҳлил этишда мактаб раҳбарларидан бирининг иштироқ этиши мақсадга мувофиқдир.

Дарс таҳлилининг муҳокамаси (ўқитувчининг шахси ҳурмат қилинган ҳолда) дарс ўтказилган куннинг ўзидаёқ бўлади.

Дарс таҳлили муҳокамасининг адолатли, тўғри бўлиши эса дарсга қадар пухта тайёргарлик кўриши, яъни адабиётларни ўрганиш, мутахассислар билан маслаҳатлашишни талаб қилади.

### **«ДАРС ТАҲЛИЛИ ДАФТАРИ» ВА УНГА МУНОСАБАТ**

«Дарс таҳлили дафтари» ўқитувчи, ўқувчи ишини — меҳнатини тўғри баҳолашга, келгуси дарсга режа белгилашга имкон беради. Шунинг учун ҳам «Дарс таҳлили дафтари»га иложи борица қисқа, фақат дарс таҳлили талабидаги аниқ гаплар ёзилади.

«Дарс таҳлили дафтари»да:

1) дарс ҳақидаги маълумотда дарс, дарсдан кузатилган таълим-тарбиявий мақсад, дарснинг тури, жиҳозланиши, бориши, ўқувчи ва ўқитувчининг тайёргарлиги, дарснинг салбий ва ижобий томонлари, дидактик талабларга жавоб бериши ҳақидаги фикрлар, кузатувчининг ҳулосаси, таклифлари ёзилади;

2) дарсга тааллуқли таълимлар, яъни проблематик, дифференциал, чуқурлаштирилган, индивидуал, программалаштирилган таълим кўрсатилади;

3) дарсда қўлланган методлар: суҳбат, лекция, ҳикоя таҳлиллари ёзилади;

4) Ўқитувчи ҳақида:

ўқитувчининг исми ва фамилияси, иш адреси, маълумоти, қайта тайёрлаш курсларида иштироки, иш стажы (педагогик стажы алоҳида белгиланади), ўз устида ишлаши қайд қилинади; ўқувчилар ҳақида: давомати, санитария-гигиеник кўриниши, активлиги, ўзлаштириши, дарсдаги тартиб, интизом ва бошқалар ёзилади; дарсда вақтдан унумли фойдаланиш ҳақида:

дарс босқичларидаги самарадорлик, темани қайтариш, мустаҳкамлаш давридаги савол-жавобнинг характери; уйга берилган вазифанинг характери, янги теманинг баёни учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилиши кўрсатилади.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, «Дарс таҳлили дафтари» жойларда турли кўринишда юритил-



моқда<sup>1</sup>. Бу эса бир бутун ягона «Дарс таҳлили дафтари» ташкил этишни тақозо этади. Шу бонсдан ҳам биз қуйида «Дарс таҳлили дафтари»нинг тузилиши ҳақида тўхта-ламиз.

«Дарс таҳлили дафтари» 27x20 см ҳажмдаги дафтар ҳолида бўлиб, у қуйидаги кўринишда бўлади:

№ \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ ” 19... й..

Дарс таҳлили \_\_\_\_\_ /дарс таҳлилининг тури/

Район /шаҳар \_\_\_\_\_

Мактаб № \_\_\_\_\_ синф \_\_\_\_\_ фан /ўқув предмети/

Синф журналида ўқувчилар сони \_\_\_\_\_

дарсга қатнашган ўқувчилар сони \_\_\_\_\_ Уқитувчининг исми,

фамилияси \_\_\_\_\_ маълумоти /қачон ва қайси ўқув юртини

тугатган / \_\_\_\_\_ Пед. стажини \_\_\_\_\_ йил,

шу фаандан \_\_\_\_\_ йил дарс беради.

Дарсни кузатишдан мақсад: \_\_\_\_\_

Дарснинг темаси: \_\_\_\_\_

Дарснинг жиҳозланиши ва дарсликлар билан таъминланиши \_\_\_\_\_

Уқитувчи охириги марта қачон ва қаерда малакасини оширган?

Қаерда, қачон қайта тайёрлашдан ўтган? \_\_\_\_\_

Аттестация комиссиясининг фикри \_\_\_\_\_

<sup>1</sup> Иловага қаранг.

Дарснинг бориши

---



---



---

**Дарсга характеристика бериш**

/Гоявий-сиёсий, илмий-назарий, методик ва ташқи-ташкиллий нуқтаи-назардан/

Дарснинг ижобий томонлари

Дарснинг салбий томонлари

1. \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

4. \_\_\_\_\_

4. \_\_\_\_\_

5. \_\_\_\_\_

5. \_\_\_\_\_

6. \_\_\_\_\_

6. \_\_\_\_\_

7. \_\_\_\_\_

7. \_\_\_\_\_

Хулоса ва таклифлар \_\_\_\_\_

---

«Дарс таҳлили», «Дарснинг бориши», «Дарсларга характеристика бериш», «Хулоса ва таклифлар» бўлимлари дафтар бетининг қарама-қарши томонларига жойлаштирилиши (орқа бетга эмас) дафтар варағини варақлаб (шитирлатиб) ўқувчилар диққатини ортиқча тортмасликни таъминлайди.

«Дарс таҳлили дафтари»нинг сўнггида дарси таҳлил этилган ўқитувчи ҳақида умумий маълумот илова этилади.

Тартиб №	«Дарс таҳлили дафтари» даги тартиб номери	Ўқитувчининг исми ва фамилияси	Дарс кузатилган кун, ой ва йил	Кузатилган дарснинг дарс жадвалидаги тартиб номери	Предмет номи	Дарс тип	Эслатма

«Дарси таҳлил этилган ўқитувчилар ҳақида имумий маълумот» қуйидагиларни тез аниқлаш имкониини беради:

- а) кимларнинг қайси предметга хос дарси кузатилди;
- б) қайси ой, қайси кунга ва дарс жадвалидаги нечанчи ўринга қўйилган дарс кузатилди;
- в) қайси характердаги ва қайси типдаги дарс таҳлил этилди;
- г) мазкур дарс таҳлили «Дарс таҳлили дафтари»нинг қайси бетида ёзилган.

«Дарс таҳлили дафтари» мактаб ҳужжати сифатида маълум муддатгача сақланади. Чунки ўқитувчининг педагогик иш маҳоратига баҳо бериш, ўтган даврлардаги маълум дарслар, дарс таҳлиллари ҳақида илмий, маъмурий фикр баён этиш фақат «Дарс таҳлили дафтари»даги ёзувлар ёрдамидагина амалга оширилиши мумкин.

## ХУЛОСА

Дарс таҳлили ўқитувчининг иш фаолиятини ўрганиш, фан асосларини ўқувчилар қандай даражада ўзлашти-раётганлигини аниқлаш ва давлат ўқув программаси ма-териалларининг план асосида бажарилишини контрол этишнинг асосий омили ҳисобланади.

Дарс таҳлили мураккабдир. Бу мураккаблик шундан иборатки, биринчидан, таҳлил этувчи ўқитувчининг ҳис-сиётини, хатти-ҳаракатини, илмий даражасини, методик маҳоратини пайқаб олиши ва энг майда элементларни ҳам эса сақлаб қолиши ва уларнинг барчасини «Дарс таҳлили дафтари»га туширишга улгуриши зарур. Иккин-чидан, дарсда ўтирган барча ўқувчилар ҳолатини, қизи-қишини, уларнинг хатти-ҳаракатини, ўзлаштириш дара-жасини, ўзаро ва ўқув ашёларига бўлган муносабатла-рини онгда таҳлил этиб, ўзининг тўғри, адолатли, илмий хулосаларини «Дарс таҳлили дафтари»га тушира билиш-га улгуриши ва дарсдан сўнг ўқитувчига шулар ҳақида тўла ўз фикрини баён этиши лозим. Учинчидан, ўқитув-чи билан ўқувчи муносабатини ва бу муносабатлар ҳо-силасини, ўқувчиларнинг дарсликларга, кўргазмали қу-ролларга, ёзма ишга, ўз нутқига бўлган эътиборини синчковлик билан ўрганиши зарур.

«Кишиларнинг практик фаолиятида кўпинча янги фактлар, воқелик ҳодисалари ўртасидаги янги боғла-нишлар очилиб қолади, шулар туфайли назария янада бойийди, аниқланади ва мукаммалашади»<sup>1</sup>.

Бу масала бевосита дарс олиб борувчи ўқитувчи фаоли-тига ҳам алоқадордир. Дарсдаги янгиликлар дарс таҳ-лил этувчи томонидан аниқланиб, ўрганилиб, иккинчи бир ўқитувчи ишига татбиқ этилсагина, қўйилган проб-лема мақсадга мувофиқ ечилади. Шунинг учун ҳам дарс-даги гўзалликни, ғоявий, илмий, методик бойликни ҳис қила билиш энг муҳим ҳисобланади. Бу эса дарсни таҳ-

<sup>1</sup> Иванов П. И. Умумий психология. Т., «Ўқитувчи», 1967, 508-бет

Ил этишдаги узоқ йиллик тажриба асосида майдонга келган истеъдоддан ташқари, кишида эса сақлаш қобилиятининг ривожланган, фикрнинг теран, диднинг ўткир бўлишини тақозо қилади. Бу жиҳатдан қараганда дарсни таҳлил этувчи адабий танқидчига ўхшаб кетади. Чунки адабий танқидчи бадий асарнинг моҳиятини, гўзаллик даражасини, бадий бойлигини ва ёзувчи истеъдодини таҳлил этиб, адабий-бадий баркамолликка ҳисса қўшади. Дарсни таҳлил этувчи эса дарснинг ички ва ташқи ташкилий томонларини, ўқувчи ва ўқитувчи психологиясини таҳлил этади. Аммо улар ўртасидаги фарқ шундаки, дарс таҳлил этувчининг иш шароити мураккаб бўлиб, у маълум вақт бирлигини талаб этади. Кўздан қочирилган бирор ҳаракат, диққатдан четда қолган бирор усул кейин такрорланмаслиги мумкин ва у бу дарсни эртага кузатаман, кейинроқ таҳлил этаман, дея олмайди.

- Дарс таҳлил этувчи жонли ҳаракатдаги кишилар ҳолати, психологик кечинмаларини таҳлил этиш билан авлодларнинг баркамол ўсишига ва педагогика, психология, методика ривожига ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда «Дарсни қандай таҳлил этиш керак?» деган мавзуда район, область, республика миқёсида мутахассисларнинг жонли мунозарасини уюштириш, бу мунозараларда оғзаки савол-жавобларга кенг ўрин беришга эҳтиёж сезилмоқда. Бундай мунозараларни туркум ўқув предметлари ва бошланғич синфлар бўйича ўтказиш янада фойдали бўлур эди.

Дарсларни илмий, методик, дидактик ва умумий педагогик, психологик жиҳатларга бўлиб таҳлил этиш дарс таҳлилига аниқлик киритади, уни мукаммаллаштиради ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига мукаммал баҳо бериш имконини кенгайтиради.

Илғор тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини ва дарс таҳлилига доир илмий манбаларни ўрганиб мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар ўртасида тўғриб этиш ўқитувчи — методист, инспекторлар ишини енгилаштиради, дарс самарадорлигини оширади, мактабларда ўқувчиларнинг билиш имкониятларини янада кенгайтириш чораларини белгилашни таъминлайди, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини яхшилади, чуқур таълим олиш имкониятларининг изчиллигини оширади.

Маълумки, ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган вақтда олдин — ўтган дарсларида йўл қўйган камчилик-

ларига навбатдаги дарсида йўл қўймаслик режаларини белгилайди. У ҳар бир дарсдан кейин бажарган ишларини имконият ва шароитга қараб қиёслайди ва ўз дарсини ўзи таҳлил этади.

Дарс ўтказган ўқитувчига фақат аниқ, мукамал таклиф ва хулосаларни айтиш дарс таҳлил этувчидан талаб этилади. Бунинг учун дарс таҳлил этувчи билан ўқитувчи ўртасидаги муомала самимий, дўстона бўлмоғи зарур.

Дарс тасодифий ҳолда эмас, балки маълум план, график асосида, маълум мақсад билан таҳлил этилади, дарсдаги хато ва камчиликлар, ўқитувчига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган сабаблар «Дарс таҳлили дафтари»га қайд қилинади. Чунки «Дарс таҳлили дафтари»да аниқ, тушунарли методик-педагогик, илмий қимматга эга бўлган қайдлар бошқа ўқитувчилар учун йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчиларда касбга бўлган муҳаббат йил сайин ошиб бормоқда. Натижада кам тажрибали ўқитувчиларда илғор тажрибали ўқитувчиларнинг тажрибалари, педагогик маҳоратларини ўрганишга иштиёқ кучаймоқда. Ана шунинг сезган ҳолда мактаб метод бирлашмалари ва методик шохобчалар йўли билан кам тажрибали ёшлар дарсларни таҳлил этишга тобора кенг жалб этилмоқда. «Намуна — таянч» мактаблари, «Илғор тажриба мактаблари», мактаб метод бирлашмалари, методик шохобчаларда у ёки бу ўқитувчининг дарси ва унинг дарс бериш маҳорати ўрганилмоқда, муҳокама этилмоқда, янги режалар белгиланмоқда. Шу сабабдан ҳам дарс таҳлилига хос илмий-назарий кўрсатмаларга нисбатан зарурият яққол ҳис этилмоқда, борган сари республикамизда дарс таҳлили назарияси, тажрибасига чанқоқлик кучаймоқда. Ўқитувчи билан ёнма-ён туриб, самимий суҳбат қуришда ва ўқитиш ишини чуқур таҳлил этишда тажрибага эга бўлган методист олимларнинг тажрибалари тўпланса, бу арзигулик даражада илмий педагогик қимматга эга бўлар эди.

## ИЛОВАЛАР

### Дарс таҳлил қилувчиларнинг ўзаро муносабатлари

Бир бошланғич синф ўқитувчисининг дарсига (дидактик таҳлил асосида) дарс таҳлил этувчиларнинг муносабатлари қуйидагича бўлди:

№№	Дарс босқичлари	Мактаб директорининг хулосаси	Методистларнинг хулосаси
1	Уй вазифасини текшириш. От ва унинг бошқа сўз туркумларидан фарқи	Текшириш ўринли ва тўғри ўтказилди. Ўқувчилар уй вазифасини тўғри, яхши бажаришган.	36 ўқувчидан 8 нафари хатога йўл қўйди. Қайта текшириш даврида 4 ўқувчининг ишидаги хатолар текширилмай қолиб кетди. 4 ўқувчи уй вазифасини бажармаган.
2	Атоқли ва турдош отларга хос такрорлаш мақсадидаги ишлар	Мустақил ишни ҳатто ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар ҳам тўла бажардилар. Синфда активлик билан иш олиб борилди. Яхши бажарилди.	Уй вазифасини текшириш тўла фойдали бўлмади. Мустақил ишни бажариш ёмон аҳволда, 36 ўқувчидан 17 таси ишни бажарди. 12 ўқувчи атоқли отни топа олмади.
3	Утилган янги темани мустақамлашга доир мустақил иш.	Кўпчилик ўқувчилар мустақил ишни бажардилар. Аммо айрим ўқувчилар мустақил иш бажаришда қийналишди. Лекин ўқитувчи ёрдамида бу ўқувчилар ҳам қийинчиликларни енгдилар. Дарсда ўқитувчи мақсадга эришди.	Хулоса, ўқувчилар янги темани қабул қилишга тайёр эмас. Синфнинг ярмидан кўпи (19 ўқувчи) гап тузишда 3 тадан зиёд хатога йўл қўйди. Янги темани синф ўзлаштирмади.

Дарс таҳлилига бу хил муносабат дарс кузатган шахсларнинг синфдан чиққач, ўзаро келишиб олишлари мутлақо зарурлигини тақозо этади.

Андижон область Андижон районидаги 1-ўрта мактаб директорининг йиғилишда ўқитувчи Қорабоевнинг «Тошкент» темасига бағишлаб 2-синфда ўтказган бир соатлик дарсининг таҳлили<sup>1</sup> натижаси дарс таҳлили муҳокамасида қатнашган шахсларнинг барчасини қаноатлантирган ва улар бир хил ижобий хулосага келганлар. Қуйида мазкур шахсларнинг хулосаларини айнан келтирамиз:

«Биз кузатган ўқиш дарси (2-«в» синфи) да ўқувчиларнинг ўртача ўқиш темпи бир минутига 70 сўзни ташкил қилди. Ўқувчилардан Саида Абдуллаева, Дилором Ҳакимжонова, Муқаддас Эгамбердиева, Мартаба Эгамбердиева каби ўқувчилар борки, уларнинг ўртача ўқиш темпи минутига 90—100 сўзни ташкил қилади.

Ўтилган тема: «Ўзбекистон герби». У синтез-анализ усулида қайтарилди. Ўзбекистон байроғи, Ўзбекистон герби ва ундаги ўроқ ва болға, юлдуз, пахта, буғдўй, лента, шиор, қуёш символикаси кабилар алоҳида-алоҳида суҳбат методида шарҳланди.

«Тошкент» тексти қуйидаги план асосида талқин этилди:

- а) революциядан олдинги Тошкент;
- б) революциядан сўнгги Тошкент;
- в) зилзила ва унинг оқибати;
- г) социалистик қардошлик;

Мактаб жойлашган — ўқувчилар яшаётган «Хартум» қишлоғи ҳақида ва унинг келажакдаги порлоқ истиқболи ҳақида ўқитувчи суҳбат методида тафсил берди. Партия ва ҳукуматимизнинг шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ҳақидаги қарорлари эслатилди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қай даражада ободонлашганлиги содда, болаларга тушунарли тилда айтиб ўтилди.

Текст синфдаги барча ўқувчиларга танлаб ўқитиш усулида ўқитилди ва ўқиш сифати баҳоланди. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг йигирма беш нафари «5» баҳо ва бир ўқувчи «4» баҳо олди. Уйга берилган вазифа китобнинг қайси бетиде ва қайси сарлавҳада эканлиги

---

<sup>1</sup> Бу таҳлил мазкур ўқитувчи ишлаётган мактаб директорининг «Дарс таҳлили дафтари» дан айнан кўчирилди.



ҳамда у қандай топшириқларни талаб этиши каби масалалар ўринли, содда тушунтирилди.

Мазкур дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил этиб, шундай хулосага келдик:

1. Ҳуқитувчи дарсда таълимнинг проблематик йўлини тутди.

2. Дидактиканинг кўрсатмалilik принципига тўла амал қилиб, дарс олиб борди.

3. Дарсда ўқувчиларнинг онгли, изчил, назарий жиҳатдан пухта билим олишларига эришди.

4. Совет дарс системасининг, билиш назариясининг барча талабларини дарсда жорий этишга ҳаракат қилди.

5. Танлаб ўқиш, қайта ўқиш каби ўқиш кўникмаларини мустаҳкамловчи омиллардан тўлиқ фойдаланди.

6. Ҳуқувчиларни яхши ўқиш сифатларига эга қилиш учун уларда изоҳли, ифодали, тез ва равон ўқиш кўникма, малакаларини мукаммаллаштиришга интилдиги.

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, демак, дарс таҳлилининг тўғри ва мукаммал бўлиши шахсларнинг ўзаро муносабатларига ҳам боғлиқ экан

### **Ҳуқувчиларнинг оғзаки жавоби ва улар бажарган мустақил ишга муносабатни таҳлил этиш**

Дарсдаги савол-жавобга доир нуқсонларни бартараф этиш учун қуйидаги каби ҳолатлар чуқур таҳлил этилади.

1. «Ёмон» жавоб берувчи ўқувчига «яхши» жавоб берувчи ўқувчига нисбатан оз вақт берилиши ёки «ёмон» жавоб берувчи ўқувчига ўйлаш учун (ўзини тутиб олиш учун) вақт бермаслик.

2. Ҳуқувчи нотўғри жавоб берса, саволни қайтармаслик, дарров бошқа савол бериш, ўқитувчининг ўзи ўз саволига жавоб бериб қўйиши.

3. Нотўғри жавобни ижобий баҳолаш.

4. Нотўғри жавоб берган ўқувчини жавоб берган пайтнинг ўзида тез-тез койиб туриш.

5. Тўғри жавоб берганлиги учун ортиқ даражада, тез макташ.

6. «Ёмон ўзлаштирувчи» ўқувчининг тўғри жавоб бериши учун интилишини ҳисобга олмаслик, ўқувчининг қўл кўтарганлигини пайқамаслик.

7. Ҳуқитувчининг «ёмон ўзлаштирувчи» ўқувчига бошқачароқ қараши. «Ёмон ўзлаштирувчи» боланинг кўзига қарамаслик.

8. «Ёмон жавоб берувчи» ўқувчини дарсда доска олди-га кам чиқариш ёки у ўқувчини дарс давомида умуман чиқармаслик.

Бу ўринда ўқитувчилар ва раҳбарларнинг таҳлил пайтидаги савол ва жавобга доир қўйидаги маслаҳатлари характерлидир:

1. Берилган саволга бирданига жавоб айта олмайди-ган ўқувчига (жавобни ўйлаш учун) бир оз қўшимча вақт бериш.

2. Жавобни бошлашда қийналган ўқувчига ўқитувчининг ёрдам бериши.

3. Жавоб учун ўқувчига қўйилган баҳони шарҳлаш.

Л. А. Леонтьев бошқа мактабдаги нотаниш ўқитувчининг дарсига бирор педагог билан бирга кириб, унинг дарсдаги ҳолатини ўрганишни ва қўйидаги саволларга тўла жавоб беришга интилишни педагогик такт учун фойдали ҳисоблайди:

1. Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан ғамхўрми?

2. Ўқитувчи ўқувчи шахсий фикрини яхши тинглайди-ми? Ўқувчининг ўзини бемалол тутиб сўзлашига мойил-лик билдирадими? Ёки ўқувчиларга ҳар доим қаттиқ-қўллик қилиб, уларни қаттиқ тартибда туришини талаб этадими?

3. Ўқитувчи ўқувчилар активлигини оширишга қизи-қадими ёки унга бефарқ қарайдими?

4. Ўқитувчи йўл қўйган ўз камчилигини ўқувчиларга очиқ сўзлашга ва шахсий фикрини ўқувчидан яширмай сўзлашга ўрганганми? Ёки ўқувчилардан сир тутадими? Ўқувчи билан очиқ сўзлашадими?

5. Ўқувчиларга ўқитувчи мулоим сўзлайдими? Ўқув-чи фаолиятини ҳурмат этадими? Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб муомала қиладими ёки баён этилганларнинг аксими?

6. Ўзини ўқувчи ўрнида тасаввур этган ҳолда дарсда-ги проблемани счишга ҳаракат қилиб кўрадими? Ўқитув-чи томопидан ўқувчининг фикрини тўғри тушунаётган-лигини тасаввур этишини пайқайдими?

7. Ўқувчилар билан ҳар доим фикр алмашиб туради-ми? Ўқитувчи активми ёки синфни ўз ҳолатига ташлаб қўювчи — пассивми? !

Юқоридаги саволларга олинган жавобнинг ҳар бири-ни 5 баллик баҳо системаси билан баҳолаш, жавоблар-нинг баҳосини жамлаб, уни бирга дарсга кирган ўқитув-

—ин ва педагогик коллективнинг бошқа аъзолари дарсдаги жавоблар баҳоси билан қиёслаш фойдалидир.

Синфда ўқувчи бажарган ишни таҳлил этишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) ўқитувчининг ўқувчиларни қўйилган масалани ўрганишга тайёрлаш сифати;

б) ўқувчининг дарслик устида ишлай билиши, қўшимча адабиётлардан фойдаланиши ва унга эътибори;

в) ўқитувчи суҳбатининг ўқувчига таъсири;

г) ўқувчиинг ўзи бажарган мустақил ишдан якуний хулоса чиқара олишига ўқитувчининг эътибори.

Ўқувчилар билимини баҳолаш иши (ўқитувчининг маҳорати ҳисобга олинган ҳолда қуйидагича таҳлил этилади:

1. Ўқитувчининг ўқувчи жавобининг тўлиқ ва аниқ бўлишини талаб қилиши.

2. Жавобнинг илмий-назарий жиҳатдан тўғрилигини ҳисобга олиши.

3. Мустақил равишда мисоллар келтира олиш кучига эга эканлигини ва ўқувчининг жавоб бериш жараёнидаги мантиқий фикр юритиш даражасини белгилаши.

4. Назарий билимни амалда татбиқ қила олиш меъёрини ўқитувчининг аниқлай олиши.

5. Ўқитувчи нутқининг маданийлиги, равонлиги, ёзма ишнинг эса озодалиги, пухталигининг аниқланиши.

6. Ўқитувчининг баҳони изоҳлаши.

7. Ўқувчи кундалик дафтарига баҳонинг ёзилиши.

8. Ўқувчи билимини баҳолаш жараёнида ўқитувчининг педагогик такти.

9. Ўқувчининг жавоб беришдаги ва баҳо эълон этилгандан сўнгги психологик ҳолати.

10. Ўқитувчининг вақтдан тежамкорлик билан фойдаланиш маҳорати.

11. Ўқувчига берилган саволларнинг мураккаблик ва соддалик жиҳатлари.

12. Танланган масала, мисол, диктант текстларининг ўқув программаси талабига мослиги.

13. Ўқувчига қўйилган баҳонинг тарбиявий ва таълимий характери.

### Дарс таҳлилда техника воситаси

Мазлумки, жойларда техника воситаларини эҳтиёт қайдан кўриб кўчирилган

«Раёвон мактабдорича» остиги даққотан роҳи ва роҳ

жада илмий, методик талабларга мос равишда жиҳозланган 570 та фан кабинети, 38 та лаборатория, 103 та ўқув устахонаси, 31 та техник воситалар кабинети ишлаб турибди.

Район халқ маорифи бўлими мактабларни техник воситалар, кўрғазмали қуруллар ва зарурий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берапти. Кейинги икки йил ичидагина 259 минг сўмлик кўрғазмали қуруллар ва техника воситалари, 240 минг сўмлик ҳар хил инвентарлар олиниб, мактабларга тарқатилди.

22 та радиоузел, 66 телевизор, 57 киноаппарат, 437 фильмоскоп, 156 та эпидиаскоп, 89 та ЛЭТИ, 408 та радиоприёмник, 301 та магнитофон таълим сифати ва самардорлигини оширишда қўл келмоқда».<sup>1</sup>

Бу хил район, шаҳар мактабларида ташкил этилаётган «Техника воситалари» кабинетлари дарсларни магнит ленталарига ёзиш имкониятини яхшилаётир<sup>2</sup>.

Натижада дарс асосида пластинкалар, кино ленталар яратилмоқда, дарслар телевизор экранларида кўрсатилмоқда.

Магнитофон ленталарига ўқитувчилар дарсларининг таҳлилини ёзиб, сўнг оммалаштириш тобора оммавий тус олмоқда.

Илғор методистлар дарсинг боришига ҳеч қандай ўзгариш киритмаган ҳолда, ўқитувчи ҳақида ва мактаб тўғрисидаги зарур материалларни дарс ёзилган лентанинг бўш жойларига ёзиб, дарс мазмунига сингдириб, лентани монтаж қилишаяпти. Монтаж қилинган ленталар дастлаб тор доирада, сўнг кенгроқ доирада эшитирилмоқда.

Бу хил фойдаланилган, фойдаланишга тайёрланган кўплаб магнит ленталар область ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари фан кабинетларида, район, шаҳар халқ маорифи метод кабинетларида, метод бирлашма шохобчаларида, мактаб метод кабинетларида сақлашни одат тусига кириб бормоқда.

Баъзан мактабларда бўш хоналарнинг етишмаслиги,

---

<sup>1</sup> Мифтахов К. Г., Носиров Р. Ижодий изланиш ва ташаббускорлик самараси. Самарқанд, 1978, 4-бет.

<sup>2</sup> Мактаб «Техника воситалари» кабинетида деворга ўрнатилган магнитофонлар кўмаги билан магнитофондаги магнит лентасига дарс тафсилоти ёзиб олинаётир. Бунда магнитофон дарс бўлаётган хонага эмас, балки у хона билан ёнма-ён хонага ўрнатилмоқда. Бу эса магнитофоннинг бошқарилишини енгиллаштираётир.

об-ҳавонинг ноқулайлиги (очиқ ҳавода тик туриб дарс таҳлил этиш учун ёғин-сочин имконият бермайди), дарс таҳлил этувчи ёки дарс ўтган ўқитувчи вақтининг чегараланганлиги дарсни ўз вақтида таҳлил этишга имкон бермайди. Бунда дарс юзасидан таҳлил этувчиларнинг ўзаро келишиб олишлари учун (дарс олиб борган ўқитувчи иштирокисиз) ҳар доим ҳам шароит бўлавермайди.

Тажриба шуни кўрсатадики, дарслар ёзилган магнит ленталари дарсларни таҳлил этиш ва ана шундай қийинчиликларга барҳам бериш учун жуда катта имкониятлар яратади.

Магнит ленталарга дарсни ёзиб олиш, дарсдан сўнг группа ўқитувчиларига эшиттириш кўрсатилган нуқсонларни енгил тугатишга имкон беради. Чунки магнит лентаси исталган пайтда айрим дарс босқичи, элементи кабиларни ёки ўқитувчи, ўқувчи сўзини қайта эшитиш имконини беради. Бу эса дарсни мукамал таҳлил этиш учун шароит яратади.

Магнит ленталарига ёзилган дарсларни монтаж этиш ҳам аҳамиятлидир.

Дарс ёзиб олинган магнит лентасини монтаж қилишда қуйидагиларни қайд этиш талаб этилади:

1. Дарс ўтган ўқитувчи ҳақида умумий маълумот (бунда унинг иш стажи, маълумотини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга).

2. Мактаб адреси.

3. Синф.

4. Уқувчилар сони.

5. Ой, кун, йил, дарс жадвалидаги нечанчи дарс, ҳафтанинг қайси кунидаги дарс.

6. Уқувчиларнинг ўша кунги давомати.

7. Синфнинг жиҳозланиши.

8. Синфнинг мактаб гигиена талабларига жавоб бериши.

9. Ишлатилган кўргазмали қуроллар, уларнинг сифати ва тема учун фойдаси.

10. Уқувчиларнинг санитария-гигиена ҳолати.

11. Уқитувчи кийимининг сиполиги (ўқувчилар тақлид қилса бўладиган ҳолати).

12. Уқитувчининг ҳаракатлари ва синфда ўзини тутиши:

13. Уқитувчининг ишни ташкил эта билиши, ўқувчиларнинг қизиқиши ва диққатини ошира олиши, уларга таъсир этиш қобилиятининг активлиги ва синфни бошқариш қобилияти.

14. Ўқувчи индивидуал хусусиятларининг ҳисобга олиниши.

15. Иш услуги ва нутқ тони (жонлилик, тетиклик, қатъийлик ёки акси).

16. Дарсга синф журналининг ўзи билан олиб киришлик.

17. Қўнғироқ чалинмасдан 3—4 минут илгари ўқув кабинетига келиб, синфни дарсга тайёрлаш, ўқувчиларни хушмуомалалик билан кутиб олиш.

18. Ўқувчиларнинг синф ёки кабинетдан чиқиб кетиш олдидан ўз иш жойларини тартибга келтиришига эришиш.

19. Ўқувчиларда дарслик ва турли ўқув қуролларининг етарлилиги.

20. Ўқувчиларнинг ўқитувчига муносабати — синф коллективи орасида ўқитувчининг обрўга эга эканлиги.

21. Ўқитувчининг доскадан фойдаланиши.

22. Ўқувчи ва ўқитувчи коллиграфияси.

23. Тасодиф ҳолида лентага ёзилиб қолган айрим овозларнинг майдонга келиши (эшик, дераза очилиши, стол, стулларнинг овози) кабилар.

Дафтарга ёзилган мазкур гаплар, магнит лентаси монтажи жараёнида лентада пауза берилган бўш жойларга дарс таҳлил этувчи овози билан ёзиб олинади. Бу хол лентадаги дарс тафсиллини тўла тинглаб таҳлил этишга имкон беради.

Бундай тўла тафсилотли монтаж ленталар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларида илғор тажрибаларни оммалаштириш, кам тажрибали ўқитувчиларга дарс беришнинг сирларини ўрганиш каби муҳим соҳаларда жуда қўл келади. Чунки бундай курслар ўқувчиларнинг каникул кунларида, ўқитувчиларнинг бўш кунларида, (мактабда ўқитувчининг дарсни қолдирмаслик ва бошқа сабабларга кўра) ташкил этилиши муносабати билан курс тингловчилари дарсларни кузатиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун бундай курсларда магнит ленталарга ёзиб олинган дарсни тингловчиларга қўйиб эшиттириш усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Курс тингловчиларининг фикрларини олиш мақсадида эшиттириладиган дарс ҳақида ҳар хил мунозаралар уюштириш фойдалидир. Унда айрим фойдали фикрлар магнит лентасига ёзиб олиниб, (вақти билан) дарсни уюштирган ва олиб борган илғор тажрибали ўқитувчига етказилиши мумкин.

## «Дарс таҳлили дафтари»нинг тузилиши ва юритилиши

«Дарс таҳлили дафтари» турли кўринишда бўлганлиги, унга ягона талабнинг йўқлиги туфайли баъзи камчиликлар содир бўлмоқда.

Текшириш объекти ҳисобланган бир ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси ўзининг дарс таҳлили дафтариди дарснинг бориши, ютуқ ва камчилиги, ўқитувчига бериладиган маслаҳат бўлимларини қайд этган. Аммо шу мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси О., рус тили ва адабиёти предмети ўқитувчиси Д. Х. лар мазкур дафтарда мазкур бўлимларни ажратмаганлар. Шу мактабнинг химия предмети ўқитувчиси Т. эса «Дарс таҳлили дафтари» да фақат ютуқ ва камчиликлар бўлиминигина бериб, хулоса ва таклифлар бўлимини киритмаган.

Айрим мактабларда ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўтказган дарс таҳлилларини ёзиб борувчи дафтарларга дарс таҳлил этувчининг эътибор қилиши керак бўлган айрим қоидалар ёздириб қўйилган. Бошқа бир хил «Дарс таҳлили дафтари»да фақат ўқитувчининг фамилиясини, числони, дарснинг мақсадини тўла ёзиб, бошқа масалаларга эса (ҳа ёки плюс, йўқ ёки минус) белги қўйиш билан кифояланишган.

Масалан: Тарбиявий иш +

Вақтдан унумли фойдаланиш +

Ўқувчилар билимини баҳолаш —

Уй вазифаси +

сингари дарс таҳлили, уни ёзишга юқоридаги каби муносабат ёки кўрсатилган саволларгагина жавоб бериш билан кифояланиш ўз-ўзидан маълумки, дарсни мукамал таҳлил этишни рад этади.

Тошкент область, Пскент район халқ маорифи бўлимининг методисти Э. Шукуров шундай ёзади:

«Мактаб раҳбарлари ўқитувчиларнинг дарсини кузатишда қуйидагиларни албатта қайд этишлари лозим:

1. Дарс бераётган ўқитувчи ҳақида умумий маълумот.
2. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик ҳолати.
3. Дарсни кузатувчининг мақсади.
4. Дарснинг бориши тўғрисида илмий-методик ва педагогик характеристика.

5. Хулоса. Дарс планининг бажарилиши, ўқитувчининг дарсда ўз олдига қўйган мақсадга эришиши, ўқувчилар билимининг сифати, дарсда таълим ва тарбия бирлигининг қандай амалга ошгани, ўқитувчининг илмий-пе-

дагогик ёрдамга муҳтожлиги ёки унинг илғор тажрибаси»<sup>1</sup>.

Андижон область, Москва район халқ маорифи бўлими эса ҳар бир дарс<sup>1</sup> таҳлили учун (типография йўли билан) қуйидаги кўринишда алоҳида варақа нашр эттирган.

\_\_\_\_\_ номли \_\_\_\_\_ мактаб /мактаб тартиб №/

\_\_\_\_\_ /ўқув предмети/ ўқитувчиси \_\_\_\_\_

/ўқитувчининг исми фамилияси/нинг иш тажрибасини ўрганиш бўйича қилинган дарс таҳлили.

\_\_\_\_\_ предмети \_\_\_\_\_ синф \_\_\_\_\_ смена \_\_\_\_\_ дарс

/дарс жадвалидаги тартиб №/ « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 198 \_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ нафар ўқувчидан \_\_\_\_\_ ўқувчи қатнашди. Ўқитувчининг

маълумоти \_\_\_\_\_ пед. стажини \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_

институтни битирган.

1. Дарснинг бориши \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

2. Дарснинг ютуқлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

3. Дарснинг камчиликлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

4. Таклиф ва мулоҳазалар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

<sup>1</sup> Шукуров Э. Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш — жиддий вазифа. «Совет мактаби» журнали, 1981 йил, № 10, 27—28-бетлар.



Айрим белгилар \_\_\_\_\_

Дарсни таҳлил қилувчи \_\_\_\_\_

(вазифаси, исми ва фамилияси)

Айрим мактабларда қуйидаги графалар чизилган дафтар юритилган. Дарс жараёнида бира тўла барча графаларни тўлғизиб бориш талаб этилади.

Кун, число	Дарс олиб борилаётган синф	Предмет номи	Дарснинг бориши	Методик ютуқлар	Методик камчи- ликлар	Айрим таклиф- лар ва мулоҳаза- лар
---------------	----------------------------------	-----------------	--------------------	--------------------	-----------------------------	--

Бироқ, бу графалар дарс таҳлили барча турининг талабларига тўла жавоб бермайди.

Айрим ўқитувчилар дарс таҳлили учун ўн икки варақли «Ўқувчи дафтари»ни тутсалар, айрим ўқитувчилар оддий варақларга дарс таҳлили ёзмоқдалар. Бу хил дафтарлар, варақларнинг узоқ вақт сақланиши мумкин бўлмаганидек, ундаги ёзувларнинг хираланиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда.

Баён этилгани каби дарс таҳлили учун тутилган дафтарлар шаклининг хилма-хиллиги жузъий камчиликларнинг туғилишига сабаб бўлаётир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, дарсни таҳлил этувчилар ишига энгиллик киритиш мақсадида мактаб педагогика коллективининг ҳафталик дарс таҳлили графиги, уларнинг ўзаро дарс кузатиш графиги ҳамда

мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар дарсини таҳлил этиш графигини тузиб чиқиш ва уни кўзга кўринарли жойга осиб қўйиш керак.

Умуман, умумий ўрта мактабда хизмат қилувчи ҳар бир ўқитувчининг, мактаб ишлари билан шуғулланувчи ҳар бир раҳбар методистнинг таълим-тарбия ишларига тўғри раҳбарлик қилишда унинг дарс таҳлили ҳақида билимга, дарсинг ташкилий жиҳатлари ҳақида атроф-лича тушунча ва малакага эга бўлиши катта роль ўйнайди.

Дарсни илмий асосда тўғри таҳлил этиш, дарсинг сифатини ошириш билан бирга, ҳар бир ўқитувчининг илмий, амалий, методик жиҳатдан камол топишини ҳам таъминлайди.

Дарс таҳлилини мукаммал эгаллаган раҳбар, методист дарсни тўғри таҳлил этиш билан, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида КПСС Марказий Комитети лойиҳасида қайд қилинган вазифаларни, яъни таълим-тарбия ишининг мазмуни ва методларида, мактаб ҳаётида, ўқувчиларнинг билимларига баҳо беришда ҳар қандай расмиятчилик кўринишларига қатъий равишда барҳам беришда ҳар бир предметни ўқитишнинг юксакроқ илмий даражасини, фанларнинг асосларини мустаҳкам эгаллаб олишни, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни, эстетик ва жисмоний камолотни яхшилашга ўз ҳиссасини қўшади.

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ БУЛИМ

Дарс таҳлилининг ривожланиб бориши . . . . .	3
Дарсшунослар ва дарсшунослик . . . . .	8
Дарс таҳлилининг манбалари . . . . .	9
Дарсни таҳлил этиш принциплари . . . . .	10
Дарсни таҳлил этиш босқичлари . . . . .	11
Дарс таҳлилининг мақсади . . . . .	13
Дарс таҳлилининг вазифалари . . . . .	—

### ИККИНЧИ БУЛИМ

1. Дарс таҳлилининг турлари . . . . .	15
1. Илмий таҳлил . . . . .	—
2. Психологик таҳлил . . . . .	18
3. Методик таҳлил . . . . .	29
4. Дидактик таҳлил . . . . .	37
5. Умумий педагогик таҳлил . . . . .	42

### УЧИҶЧИ БУЛИМ

Дарсни таҳлил этишни планлаштириш . . . . .	44
Дарсни таҳлил этишнинг графиги, плани . . . . .	46
«Дарс таҳлили дафтари» ва унга муносабат . . . . .	48
<b>Хулоса</b> . . . . .	52
<b>Иловалар</b> . . . . .	55
Ўқувчиларнинг оғзаки жавоби ва у бажарган мустақил ишга муносабатни таҳлил этиш . . . . .	57
Дарс таҳлилида техника воситаси . . . . .	59
«Дарс таҳлили дафтари»нинг тузилиши ва юритилиши . . . . .	63